Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 йил 11 АПРЕЛЬ, ШАНБА

№ 40 (5636).
Баҳоси: обуначига 24 тийин, сотувда 60 тийин.

МИННАТДОРЧИЛИК ҲИССИ

ДАРДИМГА МАЛҲАМ БЎЛДИ

Уч нафар фарзанднинг онасиман. Шулардан иккитаси ногирон бўлиб қолишди. Қизим томдан йиқилиб тушган бўлса, ўғлим гўдаклигида касал бўлиб, шифохонада даволанган эди. Нодон ва чаласавод «шифокор»ларнинг айби билан нотўғри укол қилинганлиги сабаб бир қўли фалаж бўлиб қолган. Ақли ҳам тўла ривожланмади. Болаларимга қараб дилим ёнади. Аммо нетай, чорасизман. Замонавий тиббий муолижаларнинг фойдаси бўлмаяпти. «Осмон йироқ — ер қаттиқ» деганлари шу бўлса керак.

Турмушимиз ночор. Отасининг бир ўзи топгани етмаяпти. У киши азамат, меҳнаткаш инсон. Танишларимиз бор: дўкончи, қассоб ёки бошқа ёғлироқ жойда ишлашади. Уларнинг турмуш тарзи зўр. Шоҳона уйларда яшашади. Иқтисодий тангликнинг буларга ҳеч алоқаси йўқ. Умр йўлдошимга улар тўғрисида гапирсам, ранжийди. Ўзим ҳам улар ҳаётида аллақандай нопоклик борлигини ҳис этаман.

Қизимга бувиси қараяпти. Ўғлим эса ўзим билан бирга. Боғчада ишлаяпман. Боғчамиз жуда яхши. Ҳамма шароит яратилган. Кичкинтойлар бу ерда яйраб-яшнаб тарбияланишмоқда. Президентимизнинг ойлиқ маошимизни ошириш тўғрисидаги фармони барчамизни суюнтириб юборди. Бу айни пайтда кўрсатилган ёрдам, дардимизга гўё малҳам бўлди.

А. ҲАЙИТОВА,

Қашқадарё вилояти Қамаши ноҳиясидаги «Бойчечак» боғчасининг тарбиячиси.

ЗАРУР ЧОРА

Мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлаганимга салкам қирқ йил бўлди. Ўтган давр мобайнида қўлимда таҳсил олган шогирдларимдан кўплари ўзлари танлаган ихтисос эгалари бўлиб етишишди. Улар орасида ўқитувчилик касбини танлаганлар ҳам оз эмас.

Шуни мамнуният билан таъкидлашим керакки, узоқ йиллар ҳукм сурган маъмурий-буйруқбозлик йилларидаги ўқитувчиларга паст назар билан қарашга барҳам берилди. Еш авлод тарбиячиларининг жамиятимизда тутган мавқеини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилиш Ўзбекистон Президентининг қатор фармонлари билан мустаҳкамланди. Жумладан, қишлоқ ўқитувчиларига томорқа участкалари имтиёзли равишда берилмоқда. Мен ҳам қўплаб ҳамкасблар қатори ер участкаси олишга эришдим.

Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан нарх-наво тўхтовсиз ошиб бораётир. Бу кўпчилик қатори ўқитувчилар моддий турмушига ҳам салбий таъсир этиши аён. Илгари ваъда қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26 мартдаги Фармонига кўра шу йилнинг 16 мартидан халқ таълими ходимларининг иш ҳақи, шунингдек, имтиёзли овқатланишлари учун ойлик товон тўловлари 1,7 баравар оширилганидан мамнун бўлдик.

Нарх-навонинг кўтарилиш чегараси ҳам бўлар, халқимиз рўшноликка чиқар деган ниятимиз бор. Буни ҳамиша бўлганидек, аҳолига тушунтиришга, эртанги кун умиди билан яшашга ҳаракат қиламиз.

Ҳолтўра ОТАХОНОВ,

Сурхондарё вилоятининг Узун районидаги 3-ўрта мактаб илмий бўлим мудири.

РУҲЛАНТИРИБ ЮБОРДИ

«Нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги муассасалардаги ходимларнинг иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони айни кўнгилдаги гап бўлди.

Бу Фармон бозор иқтисодиётининг мураккаб паллалари бошланган, нарх-наво кун сайин эмас, соат сайин ўсиб бораётган ҳозирги шароитда жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу биз ҳунар-техника билим юрти ўқувчи ва ўқитувчиларини ҳам руҳлантириб юборди.

Халқ таълими ходимларининг турмуш тарзи Президентимиз эътиборидан четда қолмаётганлигидан миннатдормиз.

Т. АШРАПОВ,

Тошкент шаҳридаги 30-ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси.

ДЕМАК, ЯНГЛИШИЛМАДИ

Собиқ Иттифоқда чиқадиган рўзномалардан бирида ўтган йили «Ўзбекистоннинг ёриб ўтиши» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, маориф соҳасида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Иттифоқ бўйича биринчи бўлиб ташлаган дадил қадами ҳақида кўп яхши гаплар айтилганди. Бу ташланган қадамнинг давоми чексиз эканлигини амалда кўраяпмиз. Мустақил республиканинг келажаги маорифдан бошланишини тўғри тушунган раҳбарият бу йўлда яна бир хайрли ишни амалга оширганлиги маорифчи сифатида биз олий илмгоҳлар олимларини ҳам қувонтириб юборди.

Айниқса, яқинда чиқарилган Фармоннинг биринчи бандида «1992 йилнинг 16 мартидан халқ таълими... ходимларининг иш ҳақи, шу жумладан, имтиёзли овқатланиш учун ойлик товон тўловлари 1,7 баробар оширилсин» дейилишининг ўзиёқ халқ таълими фидойилари меҳнатининг янада улуғланишидан, унинг қадрланишидан далолат.

Мен узоқ йиллардан буён ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланиб келаман. Мактабда синф раҳбаридан тортиб дорилфунунда талабаларга дарс беришгача бўлган жараённи босиб ўтдим. Лекин ҳеч қачон маорифчиларга ҳозиргидек қилинаётган ғамхўрликни кўрмадим.

Хуллас, таълим учун шунчалик жон куйдирилаётган экан, демакки, биз педагоглар ҳам ўзимизга билдирилаётган ишончни оқлашимиз зарур.

Р. ҚУРБОННИЕЗОВ,

педагогика фанлари номзоди.

ЎЗБЕКИСТОН—ҚИРҒИЗИСТОН:

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР ЗАМИНИ

Қадим-қадимдан ўзбек ва қирғиз халқлари бир-бирлари билан дўст, иноқ, бир оила фарзандлари мисол елкадош бўлиб яшаб келишмоқда. Улар тўфонли ва суронли йилларни ҳам бирга кечириб, осойишталик ва тинч ижодий меҳнат даври ва гаштини бирга суриб келмоқдалар. Ерлари ҳам туташ — Тяньшон ва Олой тоғларидан эриб тушаётган қорлар Фарғона водийсидаги дарё ва сойларни ҳаёт булоғига тўлдирмоқда. Ҳар икки халқнинг ёшу кексаси, қизу жувонлари, барваста йигитларию марду майдонлари озодлик ва мустақиллик эпкинидан тўйиб-тўйиб нафас олмоқдалар. Бугунги кунда икки қон-қардош халқ мустақиллик тараққиётининг серавж ҳаракатларида қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти аъзоси бўлган ҳар икки мустақил давлат ўртасида тузилган яратувчилик шартномалари, ўзаро ҳамкорлик ўзбек ва қирғиз халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги тинч-тотувлик ва ҳамкорлик келишувлари Қирғизистоннинг Ўш вилояти ва Ўзбекистоннинг Андижон вилояти халқ таълими ходимларини ёшларни ўқитиш, тарбиялаш, ҳаётга тайёрлаш масалаларида ҳамфикр бўлиб, тажриба алмашиб ишлашга даъват этаётир. Шу мақсадда ҳар икки вилоят халқ таълими ходимларининг 1992 йилга ва яқин келажакка мўлжалланган ҳамкорлик шартномаини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Қўрғонтепа районида бу тантанали маросимга Ўш ва Андижон вилояти шаҳар ва районлари халқ таълими бўлимлари мудирлари, мактабдан ташқари тарбия муассасалари раҳбарлари, Қирғизистон, Ўш, Андижон телевидениеси ва радиоси журналистлари ташриф буюришди.

Ҳамкорлик шартномасини имзолаш маросимини Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ж. Халилов очиб, икки қардош вилоят халқ таълими ходимларининг ниҳоятда зарур ва савоб ишга қўл урганларини, дўстлик алоқалари яна ҳам мустаҳкам бўлишини фахр билан уқтириб ўтди. Шундан сўнг сўзга чиққан Ўш вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Болтақул Нурумбетов, Ўш давлат педагогика институти ректори Ж. Шириевлар ўзбек ва қирғиз халқларининг ҳар томонлама ҳамкорлиги муҳим зарурат эканлигини таъкидладилар. Шунингдек тантанали маросимда Қўрғонтепа район ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиби Тилаволди Бобохонов, район Фахрийлар кенгашининг раиси Узоқбой Саримсоқов, Ўш шаҳри халқ таълими бўлими мудири Ф. Нишонов ва Андижон вилояти Хўжабод район халқ таълими бўлими мудири М. Носиров ва бошқалар сўзга чиқдилар. Нотиқлар икки мустақил давлат халқ зиёлиларининг дўстона алоқалари, ўзаро ёрдамлари тараққиётнинг муҳим омилидир, деган фикрни изҳор этдилар.

Йиғилиш охирида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланиб, эсдалик совғалари топширилди.

Тантана қатнашчиларига Қўрғонтепа районидаги 9 та қирғиз мактаби ва 38 та ўзбек-рус мактаблари бадиий-ҳаваскорлик жамоалари иштирокида дўстлик концерти намойиш этилди.

Қирғизистоннинг Ўш ва Ўзбекистоннинг Андижон вилоятлари халқ таълими ходимлари Қўрғонтепа район маорифчиларининг «Наврўз» байрами тантанасида қатнашдилар, Бобур номли 3-ўрта мактабда дўстлик боғини барпо этиш учун кўчат ўтказдилар.

А. МАҚСУДОВ,

Қўрғонтепа район халқ таълими бўлими мудири.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

ИСТИҚЛОЛ МАКТАБИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Ўзбекистон — эндиликда мустақил давлат, унинг порлоқ келажагини кадрлар таъминлайди. Шу важдан ҳам саводли, билимли, ишбилармон кадрлар тайёрлашнинг бош манбаи бўлган миллий мактабни яратиш, мавжуд таълим-тарбия жараёнига янги мазмун, шакл ва янги мундарижа бахш этиш бугунги куннинг долзарб ишидир. Айни кунда миллий мактаб муаммоларини ҳал этишда педагог-олимлар, тажрибали ўқитувчилар, халқ таълими тизимидаги ижодкор ходимлар изланишлар олиб боришмоқда.

Миллий мактаб яратишни нимадан бошламоқ керак? Кўпчилик мутахассислар фикрича, аввало, таълим-тарбиянинг асоси бўлган бошланғич мактаб тизимини бутунлай янгилаш, уни тўлақонли миллийлаштириш, инсонпарварлаштириш зарур. Булар қандай асосларга таянишн лозим? Болаларнинг билимга қизиқиши, унга ихтиёрий интилиши ва фаолиятини йўналтира билишни таъминлаш учун асосий эътиборни нималарга қаратиш зарур? Бунинг учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва таълим-тарбия жараёнлари қай тарзда ўзгаради? Бу каби муаммолар юзасидан аниқ таклифлар, хилма-хил йўриқномалар, ишланмалар тайёрланмоқда.

Рўзноманинг шу йил 4 апрель сонида эълон қилинган суҳбатда қайд этилганидек, Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири Қ. Абдуллаева бошлиқ олимлар «Тўрт йиллик бошланғич мактабнинг йўриқномаси (концепцияси)» лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика ўқув-методика маркази бошланғич таълим услубияти илмий-методик кенгашида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти тавсиясига кўра мазкур йўриқнома (концепция) лойиҳасини рўзномамизнинг 3-саҳифасида эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Пойтахтимизнинг Ленин ноҳиясидаги 40-мактабда тажрибали педагоглар меҳнат қилишади. У ерда фаолият кўрсатаётган муаллимлар бошланғич синфлардаёқ болаларнинг сўзларни тўғри талаффуз қилишларига ва уларнинг ҳуснихатларига алоҳида эътибор билан қарайдилар.

Тасвирларда:

● Бошланғич синф муаллимаси Д. Алнева ўқувчиларга синфдан ташқари ишлар юзасидан тушунча бермоқда.

● Шу мактаб ўқитувчиси М. Умарова машғулотда ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш услубини қўллаётир.

Суратчи А. ЧАПЛИГИНА.

Дил ҳайқириғи

ҚУВВАТЛАЙМАН

Севимли рўзномамизнинг шу йил 4 апрель сонида эълон қилинган «Биз сен билан, «Маърифат» номли мақола, аниқроғи, дил ҳайқириғи биз ота-оналарни ҳам тўлқинлантириб юборди. Муаллиф — Андижон ноҳиясидаги С. Тўрахонов номли 14-ўрта мактабнинг биринчи тоифали муаллими Одилжон Эгамбердиев ташаббусини оламиз билан тўла қувватладик.

Менинг етти фарзандим бор. Уларнинг икки нафари тиббий ҳамшира, бири наққош бўлиб етишди. Қолганлари ҳозирча ўқувчи ва боғча тарбияланувчилари. Биз фарзанд тарбиясида, уларнинг пухта билим олишларида муаллимдан сўнг ўқитувчилар рўзномасига суянамиз. Шу боис мен ҳам рўзнома ҳисобига ўз маошимдан 100 сўм ўтказдим.

Тоҳиржон СОТВОЛДИЕВ,
Андижон трикотаж фабрикаси ишчиси.

ЎҚУВЧИЛАР ҲИССАСИ

Андижонлик муаллим Одилжон Эгамбердиевнинг «Биз сен билан, «Маърифат» дилномаси муштарийларимизнинг ҳиммат-саховатларини ошириб юборди. Таҳририятга келаётган мактублар, жойлардан бўлаётган қўнғироқлар шундан далолат бериб турибди. Ҳиммат кўрсатаётганлар орасида ишчилар, хизматчилар, ҳатто талабалар ҳам бор.

«Мен 9-синфда ўқийман, — деб ёзади Самарқанд вилоятининг Иштихон ноҳиясидаги Зебуннисо номли 19-ўрта мактаб талабаси Наргиза Қурбонова. — Рўзномадаги кўпгина материалларни қизиқиб ўқийман. Адабиётга қизиқаман. Куни кеча «Маърифат»да О. Эгамбердиевнинг мурожаатини ўқиб байрамга йиққан 50 сўм пулимни юборишни қалбимга тугдим...».

Андижон вилоятининг Хўжаобод ноҳиясидаги 9-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси Гулнорахон Мўйдинова ҳам ўз мактубида обуналарга жамғараётган 50 сўм пулини газетанинг банкдаги ҳисоб рақамига жўнатилганлигини маълум қилган.

Ҳимматингизга балли, муштарийлар!

ТАҲРИРИЯТДАН: Саховатли муштарийларимизга минг бор ташаккур! Эслатамиз: Бизнинг банкдаги ҳисоб рақамимиз — 100609809, код — 172682315, ПСБ — Меҳнат, Тошкент шаҳри, «Маърифат» рўзномаси учун, деб ёзишингизни сўраймиз.

Етилган муаммолар ҳақида мактублар

КЕЛАЖАК—ЁШЛАРНИКИ, АММО...

Келажак ёшларники, деймиз-у, лекин келажакни бошқарадиган ёшлар ишончимизни оқлайдими? Бу жумбоқ мени ўқитувчи сифатида кўпдан буён ўйлантириб келади. Кейинги 10—15 йил мобайнида ёшларнинг тарбияси, билим олишга қизиқиши ёмонлашди. Лекин очиқ айтиш керак, қизларда йигитларга қараганда меҳнатда, ўқишда, одоб-ахлоқда ўзгаришлар ижобий. Шу боисдан бўлса керак, тиббиёт ходимлари, ўқитувчи ва тарбиячиларни тайёрловчи ўқув юртлари талабаларининг 60—70 фоизи қизлардир. Оқибатда халқ таълимида ишлаётганларнинг асосий қисми аёллардан иборат бўлиб қолмоқда.

Турмуш ва ҳаёт тақозосига кўра улар кўпинча бола тарбияси билан банд бўладилар. Натижада мактабларда фан ўқитувчиси ҳар йили алмашади. Бу ўқувчининг феъл-атвори, муносабатига таъсир этади.

Ўйлаб кўринг, бола учун биринчи тарбиячи ота-она бўлса, иккинчиси — муаллим. Демак, синф раҳбари, синф ўқитувчиси ёки фан ўқитувчиси ўзгаравера, бола унинг феъли атворига ўргангунча қанча қийналади.

Шу сабаб кўпдан буён мени меҳнат фахрийлари сифатида ёшлар ўртасидаги тарбиянинг ёмонлашуви оқибатида жиноятларнинг кўпая бориши ўйлантириб келади. Биз талай йиллар капиталистик мамлакатларда даволаш, ўқитиш пулли, дедиг-у, ўзимизда бепул деб «қувондик». Аслида-чи? Шу сабаб фуқаролар ойлик маошини салмоқли ошириб, даволаниш ва ўқишни пулли қилиш яхши эмасми? Мактабларни тезроқ миллийлаштириш, қизлар ва ўғил болалар мактабини ташкил қилиш зарур. Ўқув юртларига ўқувчилар очиқ танлов асосида қабул қилинса, ишбилармон, билимли ёшлар етишиб чиқарди.

Оиланинг таянчи ота бўлишига эришмоқ зарур. Чунки ҳозир бола тарбияси, озиқ-овқат пишириш каби оила юмушлари она бўйнига юкланган.

Н. ҲАЙДАРОВ,

Фарғона вилояти Ёзёвон ноҳиясидаги 6-ўрта мактабнинг муаллими.

Олимнинг фикри

ТАДҚИҚОТЛАР ШУНИ КЎРСАТДИКИ...

ПЕДАГОГИКА ФАНИ ЮТУҚЛАРИНИ МАКТАБ АМАЛИЁТИГА ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ ҲАҚИДА

Бугун мактабнинг истиқболли турлари — лицейлар, гимназиялар, колледжлар пайдо бўлмоқда, Тошкент шаҳрида «Миллий маданият маркази», «Академия-клуб» каби янги моделлар синаб кўрилмоқда, экологик таълим ва тарбиянинг шаҳар маркази модели ишлаб чиқилаётир. Булар нафақат шакл ўзгаришини билдиради. Булар моҳиятига кўра таълим натижасини ошириш имконини берувчи ишлар, йўлларнинг амалий изланишидир, ҳар бир кишининг танлаган касбий йўналишида маълумот олиши учун шароитлар яратишдир.

Таълим тизимидаги барча ўзгаришларнинг бутун мураккаблигини ҳис қилган ҳолда биз замонавий шароитларда таълим жараёни самарадорлигининг педагогик асосланган ечимларини топишга ва уларни ижодий амалга оширишга қодир бўлган ўқитувчигина янги моделларни қўллай олишини тушунамиз.

Мактаб амалиётига янги мазмун ва иш усулларини жорий қилишни, ўқитувчида ижодкорликка, таълим ва тарбиянинг тўғри йўлини излашга доимий эҳтиёжни шакллантиришга, тадқиқотчилик фаолиятига қизиқишни ривожлантиришга, эски ва янги тажрибанинг назарий асосларини қиёсий таҳлил қилишга фан ва амалиётнинг алоқасисиз эришиб бўлмайди. Уларнинг диалектик бирлиги узвийлик ва ўзаро ҳаракатда намоён бўлади.

Замонавий мактаб эскирган дастурлар, таълим шакллари ва услубларидан иборат занглаган занжирларни дадиллик билан узиб ташламоқда. Лекин фан томонидан қўллабқувватланмаган ташаббуслар айрим ҳолларда ўз мақсадига эришмаётир: бошланган тажрибаларни назарий фикрлаш, якуний натижаларни олдиндан айтиб бериш етишмайди, ушбу муаммолар бўйича илмий тадқиқотлардан узилиб қолишлик ҳалқит бермоқда. Шубҳасиз, амалиёт назария олдига масала қўяди, илмий назария унга жавоб бериши лозим. Бу — назарияни бир дақиқали амалиётга ёки кунниг жорий вазифаларига бўйсиндириш деган маънони англатмайди. Назария кенг умумлашмалар билан иш кўради, у келажакка назар солади, янги кашфиётлар очади. Шунинг учун педагогика фани ва мактаб амалиётидаги алоқалар тавсифини аниқлаш катта назарий ва амалий аҳамиятга молик муаммодир. Педагогик тадқиқотлар энг янги ютуқларининг амалиётга жорий этилиши ижтимоий-сиёсий хусусият касб этади, халқ таълими ривожланишининг муваффақияти худди мана шунга боғлиқ. Фан ва мактаб ўртасидаги алоқаларни ўрнатишда ҳам силжишлар мавжуд: шаҳардаги 60 дан ортиқ мактаб олий ўқув юртлари билан ўқув дастуридаги фанларни чуқур ўқитиш, уйғунлашган курслар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш юзасидан тўғридан-тўғри шартномаларга эга.

Республика Фанлар академияси ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси иқтидорли болалар учун ихтисосли синфлар очиш бўйича ҳамкорлик шартномасини имзолади. Шунга кўра Фанлар академияси етакчи институтларининг иқтидорли ўқувчиларни ўқитиш бўйича аниқ иштирок этиши белгилаб берилди. Илгари худди шундай шартномалар Тошкент автомобиль йўллари институти, Беруний номидаги давлат техника дорилфунуни билан имзоланган эди. Тадқиқотлар шаҳардаги 90, 260, 282-мактабларда, 25-ҳунар-техника билим юртида ўтказилмоқда. Бироқ, бугун фан амалга оширган ишлардан кўплари ва педагогика жамоалари тажрибаси билан топилган нарсалар тор доирада қолиб кетмоқда, ўқитувчига етиб бормаётир. Шунинг учун илғор фанни мактаб амалиётига жорий қилишнинг қонуниятлари ва хусусиятларини тадқиқ қилиш долзарб масала бўлиб қолаётир. Бу илмий муассасалардан, халқ таълими органларидан, мактаблар ва ўқитувчилардан педагогика фани маълумотларини мактаб амалиётига тез ва сифатли қўллаш имконини берувчи йўл ва усулларни излашга қаратилган амалий ишни талаб этади.

Педагогик тадқиқотларнинг энг янги ютуқларини амалиётга татбиқ этиш масаласи ижтимоий-сиёсий тавсифга эга бўлиб бораётир. Бинобарин, унинг муваффақиятли ҳал этилиши бутун халқ таълими тизимининг янада ривожланишига боғлиқ. Бироқ мактаб амалиётини яхшилашнинг ҳамма масалалари ҳам педагогика фани томонидан ўз вақтида тўла равишда бажарилаётир, деб бўлмайди. Педагогик тадқиқотларнинг натижалари ҳамма вақт ҳам таълим ва тарбия тараққиётини таъминлай олмайди.

Тахмин қилиш мумкинки, бундай дастур педагогика фани ютуқларининг мактаб амалиётига мунтазам, кенг татбиқ этиш йўли билан амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан олганда, фан ютуқларини жорий қилишнинг ўз қонуниятлари ва хусусиятларига эга бўлган фаолиятнинг мустақил соҳаси деб ҳисоблаш мумкин. Тадқиқотларнинг мақсадга мувофиқлиги ва бу фаолиятнинг такомиллаштирилиши назария билан амалиётнинг таркибий бирлашиши орқали тасдиқланади. Бу мактаб бутун фаолиятининг асосларидан биридир. Бироқ ушбу муаммонинг илмий ишланиши ҳозирги вақтда етарли эмас.

Мактаб амалиётига янги мазмун ва таълимнинг янада самарали услубларини жорий этиш учун нима қилиш керак? Бунинг учун ўқитувчи жамиятнинг мактаб олдига қўяётган замонавий талабларидан орқада қолмаслиги, ривожланаётган илмий-педагогик назария билан ҳамоҳанг қадам ташлаши лозим. Руҳий-педагогик кузатувларга мойил, илмий ва услубий дастурлар билан таниш бўлган, олинган билим ва илғор тажрибани ўз ишига жорий қилган ўқитувчигина таълимда юқори натижаларга эриша олади.

Педагогика фани ва илғор тажрибани мактаб амалиётига жорий қилишнинг ҳозирги аҳволини таҳлил қилиш, уларнинг янги дастурлар бўйича иш самарадорлигига таъсирини ўрганиш, бу ишдаги бўш жойларни аниқлаш, ўқитувчиларнинг фикрини билиш мақсадида халқ таълими органлари ва мактаблар раҳбарлари, услубчилар, ўқитувчилар билан суҳбат, анкеталаштириш ўтказилиб, мактаб ва ўқитувчилар меҳнати жараёни ва натижаларини белгиловчи турли ҳужжатлар, материаллар ўрганиб чиқилди.

Ўқитувчиларнинг яхши ишлашига халақит бераётган нарсаларни аниқлаш чоғида қуйидаги сабабларга дуч келдик: педагогикада етарли билимга эга эмаслик (6,2 фоиз). Бу кўрсаткич руҳшуносликда 19,4 фоизни, хусусий методикада 24,2 фоизни ташкил этди. Педагогик жараённи ташкил эта олмайдиганлар сони 7,6 фоизга, мактаб раҳбарларидан етарли ёрдам олмайдиганлар 8,4 фоизга, метод бирлашмалар ёрдамига муҳтож бўлганлар 11,6 фоизга тенг бўлди. Кўпгина ўқитувчилар методик қўлланмалар ва дидактик материалларнинг етишмаслигини кўрсатиб ўтганлар (16,2 фоиз).

«Ишингизда сизга нима ёрдам беради?» деган саволга қуйидаги жавоблар олинди: педагогика бўйича адабиёт (16,7 фоиз), руҳшунослик бўйича адабиёт (11,2 фоиз), методика бўйича адабиёт (45,9 фоиз), педагогик меҳнатни ташкил қилиш бўйича адабиёт (10,8 фоиз), илғор педагогик тажриба ёритилган адабиёт (20,8 фоиз), энг яхши ўқитувчиларнинг иш тажрибаси (8,8 фоиз). Шуни таъкидлаш керакки, ўқитувчиларнинг 19,5 фоизи кўрсатилган адабиётларга, айниқса, ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқувчиларнинг мустақил ўқув, меҳнатини ташкил қилишга оид адабиётларга муҳтожлик сезаётганликларини таъкидладилар.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўсиб бораётган мактаб таълими ҳажми ва мазмуни билан ўқитувчи ҳамда ўқувчига бу мақсадлар учун ажратилган вақт фонди ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этишга имкон берувчи фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Бу манба учун асосийси ўқитувчини умумназарий билимлар ва педагогик жараённи ташкил қилишнинг амалий малакаси билан қуроллантириб бориш, илмий тавсияномалар асосида ўз фаолиятини таҳлил қилиш кўникмасини таркиб топтириш, ўқув-тарбия жараёнида яшириниб ётган ички имкониятларни қидириб топиш ҳисобланади.

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, педагогика фани ютуқларининг ўқитувчи тажрибасига кириб келишини тўхтатиб турувчи сабаблар мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

1. Таълимдаги янги мазмун ва уни ўзлаштиришга ажратилган вақт бюджети ўртасидаги узилишни бартараф этишга қаратилган кўпгина долзарб руҳий-педагогик муаммолар кам ўрганилган.

2. Таълим ва тарбия жараёнига тааллуқли янги педагогик ғоялар ва назарий изланишлар етарли баҳоланмаган.

3. Кўпгина илмий ва педагогик тадқиқотлар ўқитувчиларга, халқ таълими органларига умуман нотаниш, чунки улар асосида яратилган китоблар кам нусхада чиқарилади ва жойларга етказилмайди.

4. Педагогик тадқиқотлар натижаларини расмийлаштиришнинг амалдаги тартиби уларни мактаб амалиётига татбиқ қилиш вазифаларига етарли жавоб бермайди.

5. Педагогик нашрлар кўпайишига қарамай, илмий-педагогик ахборот хизмати ўта ёмон йўлга қўйилган.

Шу муносабат билан, биринчидан, педагогика фани ютуқларини мактаб амалиётига жорий қилишни босқима-босқич амалга ошириладиган операцияларнинг муайян узвийлигига эга бўлган мустақил фаолият турига киритиш; иккинчидан, жорий этишни бошқариш тамойилини амалга ошириш, жорий қилишнинг махсус хизматини ташкил этиш ёки бу вазифаларни мавжуд халқ таълими органлари вазифаси деб ҳисоблаш; учинчидан, белгиловчи ҳужжат, масалан, низом, нашр этиш лозим. Бу низомда педагогика фани ютуқларини мактаб амалиётига жорий қилиш масалалари бўйича расмий кўрсатмалар белгилаб берилиши, «юқоридан қуйига қараб жорий этиш хизмати» фаолияти бир тартибга солиниши керак.

Халқ таълими органлари ва мактаб фаолиятининг ўзига хос мустақил соҳаси бўлган жорий этиш бир-бири билан ўзаро боғланган мазмун, даража, иш шакли ва услубларининг муштараклигидир. Даражаларнинг ҳар бири: шаҳар халқ таълими бўлими, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, ноҳия халқ таълими бўлимлари ва ноҳия услубчилар хоналари, мактаблар ўз вазифаларига эга. Бу вазифалар жорий этиш мазмунига мос келувчи шакл ва услублар орқали амалга оширилади.

Халқ таълими органлари (шаҳар халқ таълими бошқармаси, ноҳия халқ таълими бўлими, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, ноҳия услубчилар хонаси) жорий этиш жараёнида, энг аввало, ташкилий-педагогик ва ахборот вазифаларини бажарадилар. Жорий этиш бўйича улар иш мазмунига жорий этиш материалларини танлаш ва режалаштириш, халқ таълими бўлимлари ва мактаблар ходимларини фан методологияси ва назарияси, руҳшунослик ва педагогик билимлар билан қуроллантириш, педагогик фаолиятнинг янги намуналарини оммалаштириш, жорий этиш шакллари ва услублари билан таништириш, жорий этишни назорат қилиш киради.

Педагогика фани ютуқларини амалиётга татбиқ этиш маркази мактабдир. Мактаб мудири, жамоат ташкилотлари раҳбарлигида мактаб педагогика кенгаши ва услуб бирлашмаси жорий этиш бўйича вазифалар ва иш мазмунини тушунтиради, илмий ва руҳшунослик-педагогик билимларни тарғиб қилади, мустақил билим олиш ишини ташкил этади, жорий этишнинг услубий аппарати билан таништиради, тажриба алмашади, жорий этишнинг сифат ва сон жиҳатдан якунларини чиқаради. Ўқитувчи ташкилий шакл ва услублар билан педагогика фани ютуқларини ўқув жараёнига бевосита тадбиқ этади.

Педагогик фаолиятда назария ва амалиёт бирлигининг кучайтирилиши Тошкент шаҳри ўқитувчиларида замонавий фан муаммоларига, таълим жараёнида фаол билиш ва ижодий фаолиятга қизиқишнинг ошишига ижобий таъсир этмоқда. Ўқувчилар илмий жамиятлар ишида, факультатив машғулотлар, олимпиадалар, танловлар ва ақлий, ҳис-ҳаяжон, малака ва кўникмани ривожлантиришга ёрдам берувчи бошқа тадбирларда қизиқиш билан иштирок этмоқдалар.

Фан ютуқларини мактаб амалиётига жорий этиш бўйича биз тавсия этаётган йўллар ва услублар, фаолиятни такомиллаштириш шакллари ўз-ўзидан муаммони ҳал эта олмайди. У ўз олдига унинг энг ўткир қирраларини ўрганишнигина мақсад қилиб қўяди.

Бу муаммони қўшимча педагогик тадқиқотлар олиб бориш йўли билангина ҳал этиш мумкин.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

(Муаллиф илтимосига кўра мақоланинг қалам ҳақи рўзнома жамғармасига ўтказилади).

ТАРБИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Тарбия муассасаларида ота-оналар, маҳалла қўмиталари, уй-жой идоралари, оталиқ корхоналари ва турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борилиши тарбия жараёни сифатини оширишнинг бош мезонидир. Бу ҳамжиҳатлик бугунги кунда қанчалик муҳим эканлигини амалда кўриб турибмиз. Тарбияда ота-онанинг тутган ўрни катта. Зотан, ижобий хислатлар, энг яхши инсоний хусусиятларнинг фарзандларимизда мужассам бўлиши, аввало, оила ва ундаги муҳитга боғлиқ. Ҳозирги кунда ечимини кутаётган муаммолар қаторида ота-оналар ва фарзандлар орасидаги, маҳалла-кўйдаги катта ёшдагилар ва болалар орасидаги муносабатларга демократик руҳ киритиш масаласи ҳам турибди.

Шунингдек, оилавий ҳаётга тайёргарлик, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий, гигиеник тарбия масалалари ота-оналар ва мактаб олдида турган вазифалар ҳам диққат марказида бўлмоғи керак.

Тарбиявий вазифаларни амалга оширишда маҳалла қўмиталари билан ҳамкорлик қилиш асосий йўналиш бўлиб қолди десак, адашмаймиз. Бу борада Тошкент шаҳар Ҳамза ноҳиясида маълум тажриба тўпланган. Жумладан, қўшма мажлислар, Наврўз байрамини ташкил қилиш, маҳалла қўмитаси аъзоларининг мактаб ишларида қатнашиши каби тадбирлар бунга мисол бўла олади. Бу борада, айниқса, И. Юнусов номли маҳалла қўмитасининг иши диққатга сазовор.

Яқинда Ҳамза ноҳияси халқ таълими бўлимида «Маҳалла ва мактабнинг ёшлар тарбиясидаги ҳамкорлиги» мавзусида ўтган семинар-кенгашда шу ҳақда сўз юритилди.

Анжуманда район халқ таълими бўлими мудири А. Зиёмуҳамедов маъруза қилди. Педагоглар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, маҳалла қўмиталари фаоллари музокарада сўзга чиқишди.

Қ. ТЎЛАБОЕВ.

Республика ўқув-методика марказидаги амалий машғулот (француз тили)ларни Ўзбекистон раҳбарларининг таклифи билан Франция мамлакатидан келган хоним Шанталь Кантэн олиб бораяпти. Машғулотларда илм масканларининг француз тили фани муаллимлари иштирок этмоқдалар. Улар бу соҳа бўйича малакаларини оширганларидан сўнг франциялик ўқитувчиларнинг иш услубларини ўз мактабларида синаб кўрадилар.

Тасвирларда: 1. Хоним Шанталь Кантэн дарс ўтмоқда. 2. Муаллиманинг ҳар бир ҳаракатини тингловчилар синчковлик билан кузатаётирлар.

А. ЧАПЛИГИНА
суратлари.

91-ИЙЛ МАКТАБИ

АРМУҒОН

Йўлдош Охунбобоев номли 8-ўрта мактаб пойтахт вилояти Калинин районининг «Хасково» давлат хўжалиги ҳудудидаги Назарбек қишлоғида жойлашган. Ҳозир мактабда икки мингдан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда, уларга 150 педагог сабоқ бераётир. Мактаб кўп миллатли, аралаш билим масканидир.

Мактабнинг 920 ўқувчига мўлжалланган асосий биноси 1970 йилда қурилган эди. 19 йилдан сўнг эса 20 ўқув хонасига, кенг ва ёруғ зал ҳамда йўлакларига эга бўлган улкан корпуслари бунёд этилди.

Биз бу ўринда ўз вақтида билим масканининг бошқа мактаблардан ажралиб туришини белгилашда, унинг «91-йил мактаби» республика танловининг совриндори бўлишига имкон яратишда мактаб педагогика жамоаси билан давлат хўжалиги маъмуриятининг биргаликдаги катта ишларини алоҳида таъкидлаймиз. Бу ерда меҳнатсеварлик тарбиясининг бутун бир тизими ишлаб чиқилиб, унда ёшларни қишлоқ меҳнатига тайёрлаш ва халқ ҳунармандчилиги — ёғоч, ганч ўймакорлиги, шарқ услубида миллий нақш безакчилиги, керамика ишлари, бичиш-тикиш сирларини ўргатиш қамраб олинган. Буларнинг ҳаммаси чинакам меҳнат таълими усталари М. Орзиев, С. Исмоилов, З. Усмонова, М. Нўъмонова, Ш. Каримова, Г. Умарова ва М. Эгамбердиевларнинг жонкуярлиги ҳамда маҳорати туфайли юзага чиқди.

— Қишлоқ мактаби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда фаолият кўрсатиши мумкин эмаслигини, икки звено — мактаб ва совхоз ягона ижтимоий организмлигини тушуниб етдик ва ўз мактабимизни ёшлар оммавий касбкор эгаллаши лозим бўлган давлат хўжалиги кадрлар тайёрлаш цехи бўлиб қолишига қарор қилдик, — дейди 8-мактаб директори Мақсуд Маърупович Иброҳимов. — Қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликни механизациялаш кабинетларидан, металл ва ёғочни қайта ишлаш ҳамда меҳнат турларидан хизмат кўрсатиш бўйича яхши жиҳозланган, типовой устахоналардан, мактаб қошидаги иссиқхонаси мавжуд бўлган ўқув-тажриба участкасидан иборат меҳнат таълимининг қудратли комплексини вужудга келтириш йўлидан боришимизнинг моҳияти ҳам ана шунда. Фақат сўнгги икки йил мобайнида булар бизга 8 минг сўм соф даромад келтирди. Эндиликда бу даромад икки-уч баробарга ортади.

Мактаб ер участкасининг деярлик ҳаммасига терак экилди. Ҳозирча уларнинг сони 10 минг туп. Тез фурсат ичида яна шунча кўчат етиштирилади. Бир неча йилдан сўнг бу ноёб қурилиш материалини сотишдан тушган маблағ ҳисобига мактаб жамғармаси кўпаяди, албатта.

Айни бир пайтда ўқувчилар ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш учун давлат хўжалигининг таъмирлаш устахоналаридан, чорвачилик комплексидан, меҳнат ва дам олиш оромгоҳидан тўлиқ фойдаланилмоқда. Бундай комплекслардан фойдаланиш юқори синф ўқувчиларининг халқ хўжалигидаги 3-класс тракторчи-машинисти, кенг ихтисосли механик автомобиль ҳайдовчиси тикувчи, автослесарь, дурадгор сингари зарур касбларни ўрганиб олишига имкон бераётир.

Умуман, бу мактабнинг ўқувчилари ўз меҳнатсеварликлари, ишбилармонликлари, мустақил ҳаракат қила олишлари билан ажралиб турадилар. Мазкур йўналишдаги кўп йиллик амалий ишлар ҳар бир ўқувчига ўзини жамоа эгаси, мустақил инсон сифатида ҳис қилиш, ўз ташаббускорлиги ва қобилиятини тўла намоён этиш имконини бермоқда, — деб ҳикоя қилади синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчиси Гулнора Султонова.

Мактабда ҳар бир синф уч гуруҳга бўлинган. Ҳар бир гуруҳ етакчиси шакл ва мазмун жиҳатдан бир хил бўлган махсус қайд дафтарини юритади. Бу дафтар (журнал)ларда ҳар куни турли фанлар бўйича баҳолар, ўқувчилар давомати кўрсатиб борилади ва ҳар ҳафта охирида якун чиқарилади. Дафтарни варақлаб, уни кузатсангиз, саноқли дақиқалардаёқ бир ўқув куни ёки бутун бир ҳафта манзараси кўз олдингизда яққол намоён бўлади.

Икки йилдирки, бу ерда мактабнинг катта вожатийси, кимё ва биология, физика лаборанти, шунингдек, ёш мухбирлар тайёрлаш юзасидан чуқурлаштирилган ихтисос таълими амалга оширилмоқда.

Махсус синфларда таълим олаётган бўлажак вожатийлар ўқишнинг биринчи кунидан бошлабоқ синфларга бириктириладилар, бўлажак мухбирлар деворий газеталар чиқаришга киришадилар, бўлажак лаборантлар эса кимё, биология ўқитувчиларининг ёрдамчиси сифатида иш бошлайдилар. Шу тариқа улар педагогика амалиёти ишларини бевосита ўз мактабларида ўтайдилар.

Қишлоқ мактабининг меҳнат ва дам олиш лагерисиз тасаввур этиш қийин. 8-мактабда бундай соғломлаштириш оромгоҳи кўп йиллардан бери мавжуд. Бу ерда ёз мавсумига тайёргарликка апрель ойининг бошлариданоқ киришилади. Шунинг учун ҳам бу ерда бешинчи меҳнат чораги ҳамиша кўнгилли ва уюшқоқлик билан бошланади.

Мактабдаги катта ва кўп қиррали ишларнинг ҳаммасига ўқитувчилар бошчилик қиладилар. Камдан кам учрайдиган қизиқарли бир далил: бу ерда ўқитувчиларнинг 60 фоизи мактабни турли йилларда тамомлаган собиқ битирувчилардир. Билим масканида Эгамбердиевлар, Шараповлар, Салимовлар, Нўъмоновлар, Азимовлар сингари оилавий ўқитувчи сулолалари ҳам бор.

Назарбекдаги 8-ўрта мактабда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчилардан икки киши — бошланғич таълим муаллими С. Қодирхонова, она тили ва адабиёт ўқитувчиси И. Иброҳимовалар меҳнат қилиб келишмоқда. Ўзинийўзи назорат асосида ишлаётган М. Иброҳимов, М. Горбунова, М. Эртоева, Ф. Терегулова, Л. Кочетова, К. Нурмуродов сингари муаллимлар жамоанинг фахридир.

Шу кеча-кундузда 8-мактабнинг бутун жамоаси — педагоглари ва ўқувчилари шу йил охирида нишонланадиган ўз жонажон мактабларининг 60 йиллик тўйига қизғин тараддуд кўрмоқдалар. Мактабнинг «91-йил мактаби» республика ва бутуниттифоқ танловида муваффақиятли иштирок этиб, совринли юксак мукофотга сазовор бўлиши билим масканининг катта тўйига муносиб армуғон бўлди.

А. БАЯНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Қайта қуриш қаёққа олиб боряпти? Жамият бўҳрони энди бундай яшаш мумкин эмаслигини кўрсатди. Жамият ҳаётида катта ўзгаришлар қилиш керак. 60—70-йилларда бошқача фикр юритувчилар тазйиқ қилинишига қарамай, вужудга келган маъмурий-бюрократик тизимни танқид қилиш кучайди, иқтисодиётда ва сиёсатда амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳотларнинг лойиҳалари вужудга келди. 1985 йил апрелида Коммунистик партия раҳбарияти туб ўзгаришлар зарурлигини айта олди. Аммо қандай ўзгаришлар зарурлиги, қандай ижтимоий тартибларни вужудга келтириш кераклиги ҳақидаги тасаввурлар дарҳол таркиб топгани йўқ. Бу тасаввур бошланган ислоҳотлар жараёнида, мамлакатнинг оғир аҳволи равшанланиб борган сари таркиб топди.

Маълумки, мамлакатда сиёсий йўналишни ҳокимият тепасида турган сиёсий партия белгилайди. Бизда вужудга келган кўпгина партиялардан бири, энг йирик ва энг уюшган ҳукмрон партия — КПСС эди. Шу партия қайта қуришнинг сиёсий йўналишларини ишлаб чиқди. Аввалига мамлакат ривожланишини жадаллаштиришга олиб бориши керак бўлган тизимни такомиллаштириш белгиланди. Кўп ўтмасдан ҳаёт бу йўлдан бориб жамиятни бўҳрондан чиқариш мумкин эмаслигини кўрсатди. Демак, ижтимоий тузум асосларини такомиллаштириш билан чекланмасдан, уни қайта қуриш керак. Бунинг маъноси нима?

Қайта қуриш сиёсатининг моҳияти авторитар-бюрократик тузумдан инсонпарвар, демократик социализмга ўтишдир. Бу — ривожланиш жараёнида инсон манфаатларини мақсад қилиб қўйдиган жамиятдир. Бундай йўл-йўриқнинг моҳияти шундан иборатки, инсон учун ҳозирги замон цивилизациясига муносиб турмуш ва меҳнат шароити яратилиши лозим. Аввало фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликлари: фуқаро ҳуқуқларини тан олинган халқаро нормалар даражасида амалга ошириш, миллий-этник, келиб чиқиши сиёсий, қарашлари жинси ва ёшига нисбатан ҳар қандай камситишларга йўл қўймаслик; фуқаронинг шахси ва шаънини қонун асосида ишончли тарзда ҳимоя қилиш инсоннинг ўз дунёқараши ва маънавий қадриятларини эркин ва мустақил белгилаши; виждон эркинлиги; фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ва жамоат ташкилотлари ролини ошириш кўзда тутилади.

Янгиланган жамият ва ҳар бир инсон фаровонлигининг асоси ҳалол меҳнат бўлиб қолади.

Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тартиблар воситага, инсон эса мақсадга айланади. Бутун ижтимоий тизимнинг эътибори жамиятнинг энг асосий қадрияти бўлган инсонга қаратилиши керак.

Иқтисодий соҳада ижтимоий адолат ва ҳамкорлик шароитида мулкнинг хилма-хил шакллари бўлган аралаш иқтисодиёт кўзда тутилади.

Сиёсий жиҳатдан бу — демократик асосда қурилган, парламент тизими бўлган, ҳукмронлик доиралари аниқ белгиланган ва қонун тантана қиладиган жамиятдир. Бунда гап фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлат механизмларини шакллантириш йўли билан чинакам халқ ҳокимиятини таъминлаш ҳақида, давлат тизиминингина эмас, балки бутун ижтимоий ҳаётни ҳам демократиялаштириш ҳақида боради. Буларнинг ҳаммаси омманинг ижтимоий фаоллигини ва ташаббускорлигини оширишнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилиши лозим.

Идеология, маданият, маориф соҳаларида туб ўзгаришлар бўлиши керак. Бу ўзгаришлар инсоннинг ўзи ва у яшайдиган жамият маънавий жиҳатдан ривожланиши учун, фаолиятнинг барча соҳаларида истеъдод, қобилият ва тадбиркорликни намоён қилиш учун кенг майдон очиб беради.

Қайта қуришнинг мўлжаллари қанчалик ҳаётий? Белгиланган ўзгаришлар реалми? Уларнинг реаллиги аввало жамиятимизнинг ҳақиқий ҳаётини, унинг ривожланиш тенденцияларини аниқ таҳлил қилишга боғлиқ бўлади. Уларнинг реаллиги, шунингдек, қаҳрамонона ва фожиали тарихимиз воқеаларига — социалистик ривожланишнинг турли вариантларини бошдан кечирган мамлакат тажрибасига ҳаққоний баҳо бериш билан боғлиқдир.

Социал-демократиянинг бой, хилма-хил тажрибасини ҳисобга олиш ҳам муҳимдир. Социал-демократлар ҳокимият тепасида бўлган бир қатор мамлакатларда социал-демократия социализм қадриятларини яратишга, меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб ижтимоий ислоҳотлар ўтказишга муносиб ҳисса қўшди.

Инсонпарвар, демократик социализмнинг назарий асосланиши Маркс, Энгельс, Ленин меросини ақидапарастларча талқинидан ҳоли тарзда амалий идрок этишга ҳам таянади.

Қайта қуриш сиёсий йўналишларининг ҳаётийлиги инсон тафаккурининг бутун дунёда хўжаликни самарали юритиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, демократияни ривожлантириш соҳасида бутун дунёда тўпланган башарият тафаккурининг энг яхши ютуқларига таяниш билан белгиланади. Социализм жаҳон цивилизациясининг ҳамда халқ тарихий ижодиётининг маҳсулидан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас. Социализмга янгича қараш ҳозирги замон ижтимоий тизимига зиддиятли ёндашишнинг бартараф этилиши билан боғлиқдир. Ғарб мамлакатларида ҳам, бизда ҳам оқибат натижада замонавий ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишида, фан-техника тараққиётида ўз мазмуни жиҳатидан бир-бирига ўхшаш ўзгаришлар рўй бермоқда. Жамиятимиз янгиланишининг кўпгина жараёнлари ижтимоий тузуми бошқача бўлган мамлакатларда ҳам ҳозирги вақтда у ёки бу шаклда рўй бераётган умуммаърифий жараёнлардир.

Шу тарзда биз: қайта қуриш ғояси бизни нимадан нимага ўтишга даъват этаётир? деган саволга жавоб бердик. Аммо бу ўтишнинг енгил эмаслиги маълум бўлиб қолди.

Ўтиш даврининг зиддиятлари. Мамлакатда бошланган қайта қуриш кишилар турмушининг барча соҳаларини қамраб олувчи инқилобий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Чуқур иқтисодий ислоҳот, сиёсий тизим ислоҳоти, ортиқча марказлашган давлатнинг Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигига айланиши бошланди. Эркин фикрлаш ва ошкоралик ҳаётга сингиб бормоқда Янги сиёсий тафаккур ташқи сиёсатни кўпгина зиддиятдан ҳоли қилмоқда.

Аммо чуқур бўҳронни бошидан кечираётган ғоят катта мамлакатда қайта қуриш вазифалари ниҳоятда мураккаб эканлиги маълум бўлиб қолди. Бу вазифаларнинг янгилиги шунга олиб келдики, тўғри ечимлар топиш йўлида хатоларга йўл қўйилди, бир қатор масалалар юзасидан эса зарур тадбирлар кўриш кечиқиб кетди. Бунинг устига мамлакатдаги вазият мураккаблашди. Озиқ-овқат таъминоти ёмонлашди, бир қатор минтақаларда миллатлараро низолар келиб чиқди, давлат ва меҳнат интизоми бўшашиб кетди, жиноятчилик кўпайиб бормоқда.

Қайта қуриш ҳал қилувчи босқичга — ҳокимиятни ва мулкни қайта тақсимлаш босқичига етганида мамлакатда вужудга келган кўп сонли партиялар, ҳаракатлар, турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги сиёсий кураш ниҳоятда кескинлашди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

ЛОЙИҲА

ТЎРТ ЙИЛЛИК БОШЛАНҒИЧ МАКТАБНИНҒ ЙЎРИҚНОМАСИ (КОНЦЕПЦИЯСИ)

Ўзбекистоннинг келажак равнақи бугунги ёш авлод тарбиясининг қандай бўлиши ва шаклланишига кўп жиҳатдан боғлиқ: мустақил жамият эътиқодли, дили пок, руҳи комил авлодлар томонидан қурилади. Бунинг учун миллий мактаб бўлиши зарур.

Бошланғич мактаб миллий таълим-тарбия асосидир. Миллий мактабда янги мазмун, янгича шакл ва мундарижа — ички мазмун ташқи қиёфага мос бўлади.

Келажак истиқбол режасини янгича фикрлаш, идрок этиш учун ўтмишга назар ташламасдан бўлмайди. Бусиз ўз-ўзини англаш, нуқсонларни тан олмай туриб, уларни бартараф этмай туриб, равон йўлни топиш қийин.

Жумладан, **ўтмиш, тарих, маданият, санъат ҳақидаги маълумотларни чуқур ўрганилмаганлиги, бола тарбиясидаги бой тажрибаларни ҳаётга тўла тадбиқ этилмаганлигига, халқ педагогикаси асосида** иш юритилмаганлиги, буюк алломаларнинг фарзанд тарбиясида педагогик қарашлари: инсон руҳини чуқур ўрганиб, унга муносабатда бўлишнинг нозик усулларидан фойдаланилмаганлиги, шарқона урф-одатлар, бой анъаналар асосида ёшларга меҳнат малакасини сингдирилмаганлиги, меросимиз дурдоналарини ҳаётга жорий этолмаганлигимиз талай қусурларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Охир-оқибат таълим тизими бузилди. Болаларда ўқиш, ўрганишга, **қизиқиш, хоҳиш, ихтиёр** — эътиқод уйғотиш ишлари замон талабига мос бўлмади. Уларнинг соғлиги тўла муҳофаза қилинмади. Ўқув дастурларида миллийлик, халқчиллик етишмас эди. Бу нуқсонларни бартараф этиш ва замон талабига жавоб берадиган янгиланган мактабларни яратиш долзарб вазифадир.

Янгиланган мактабдаги таълим-тарбиянинг бош вазифаси бола руҳида зоҳир бўлган адолат ва эзгуликни барқарорлаштириш, боланинг илм, ҳунар ўрганишга бўлган истакларини рўёбга чиқишига яқиндан кўмаклашишдан иборат

Болалар билан **муносабат, мулоқот** қилишдек нозик ишда таваккал қилиб бўлмаслигини ҳис ва идрок этиш, уларнинг доимо ҳаёт қувончларидан баҳраманд бўлишлари ҳамда ўйнаб-кулиб, шодон, мамнун ўсишларини таъминлаш чораларини кўриш лозим.

Болаларга яхши инсоний фазилатлар нафосат тарбияси орқали сингдирилади. Бугунги кунда мактабларда болалар севган қўшиқчилик санъати, расм чизиш, жисмоний тарбия, мусиқа ва рақс дарслари салмоқли ўринни эгаллаши зарур.

Маълумки, санъатнинг бир тури ёзувдир. Инсоннинг ички ҳис-туйғу, руҳий мукаммаллигини намоён қиладиган сифат ҳам ёзувдир. Ҳозирги кунда ўқувчилар ёзуви ҳаддан ташқари хунуклашиб кетган. Кейинги бир неча ўн йил давомида ёзув қуролларининг ўзгариши туфайли савод тизими қўпол бузилди. Марказга кўр-кўрона эргашиш туфайли бошланғич синфларда **хушхатлик** мутлақо йўқолди. Шу боисдан янги ўқув дастурига **«хаттотлик санъати»** сабоқларини киритиш, ўтмиш маданий меросимизни ўрганган ҳолда уни тиклаш лозим бўлиб қолди.

Чинакам ўзбекона ахлоқ, одоб ва тарбиянинг барча қирраларини ўзида мужассамлаштирган, халқ педагогикаси асосида илмий залворга эга бўлган ўқув қўлланмалари яратиш ҳам тарбия иши учун муҳим омилдир.

Миллий бошланғич мактабнинг **олий мақсадлари**, аввало, ўтмишда йўл қўйилган хаталарни бартараф этиш, инсон омилига янгича ёндашиш, йўқолиб бораётган барча яхши қадриятларимизни тиклаш, бу қадриятларни келажак авлодга **мукаммал** равишда етказишдан иборатдир. Зеро, ҳаётнинг поклиги учун кураш, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг қалбига яхшилик уруғини сочиш, уни униб-ўсиб, вояга етишига эришиш долзарб вазифалардандир.

Мазкур йўриқномани тузишдан асосий мақсад ҳам шу. **Келажакнинг** ёркин, истиқболли режаси ёш авлодни баркамол инсонлар бўлиб етишишларини тўла таъминлаш керак.

I. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Асосий мақсад таълимни **инсонпарварлаштириш** орқали ёш болаларнинг тўлақонли ўқув фаолиятини шакллантириш, энг муҳими, уларда ўқишга, таълим олишга **қизиқиш, ҳоҳиш ва ихтиёр-эътиқод уйғота олишдир.**

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун таълим фаолияти **бошқарув** аҳамиятига эга бўлиши, болаларда ўз-ўзини англаш, ғурур, ички ва ташқи миллий туйғуларни тарбиялашни кўзда тутади.

Боланинг руҳий ҳолатини, имкониятларини ҳисобга олиб, унга ёндашиш, таълим жараёнида натижагина эмас, балки **жараённи** ташкил этиш лозим бўлади. Жараён эса ёш болаларнинг ўсиши, ривожланиши, камолга етишувида таъсир этувчи омилларни тўхтовсиз, уйғун мажмуасини ташкил этади.

Таълим бериш ишида болаларнинг руҳий-маънавий эҳтиёжи ва имкониятларини, албатта, ҳисобга олиш керак. Болани толиқишга ва зерикишига йўл қўймайдиган усулларни топиш, машғулотлар мазмунига ўйин воситаларини сингдириш, ўйин ҳам, таълим ҳам, тарбиялаш ҳам болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилишга хизмат қилишига эришиш зарур.

Бола фаолиятининг шаклланишида бурчга масъулият ҳиссини тарбиялаш, улар мактабни **муқаддас** деб билиши, унга **эътиқод** қўйишига эришиш лозим. Бола ёшликдан ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олиши, жавобгарликни ҳис этиши, сезиши учун унга янгича муносабатда бўлиш керак. Унинг эркин бўлишига имконият яратиш лозим. Бунда А. Авлоний, Саидрасул Саидазизов, Ҳамза каби халқ педагогларининг иш тажрибаларига дадил суянмоқ зарур. Энг муҳими, бошланғич ва ўрта бўғин таълимида узвийликни таъминлаш, ўқувчиларнинг тафаккур йўлларини, фикрлаш қирраларини аниқ белгилаш билан бирга уларга руҳий озуқа бўла оладиган янги-янги воситаларни топиб, амалиётга жорий этишдир.

Бугун миллий уйғониш шароитида — моддий, маънавий ҳаёт тарзи шаклланаётган даврда халқимизнинг, шу жумладан, ўқитувчи-педагоглларнинг, тарбиячи-мураббийларнинг асосий вазифаси ёш авлодни онгли интизомли, юксак маданиятли, миллий ғурурли қилиб тарбиялашдан, уларда ватанпарварлик, байналминаллик, фуқаролик бурчини ҳис этишдек зарур сифатларни мужассамлаштириш муаммоларини ҳал этишдан иборат.

II. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБНИНГ ТУЗИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ

1. Болалар мактабга 7 ёшдан қабул қилинади. Ўқув муддати — 4 йил. ЭСЛАТМА: Агар ота-оналар болани 6 ёшдан ўқишга беришни хоҳласалар, бола тиббиётчилар, руҳшунослар тавсияси билан унинг умумий ривожланганлигини ҳисобга олиб 1-синфга қабул қилиш мумкин.

Бошланғич таълимнинг икки босқичда бўлиши мақсадга мувофиқдир: қуйи босқич — 1—2-синфлар; юқори босқич — 3—4-синфлар. Бу босқичлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бошланғич таълим фақат **якка ўқитувчи** томонидан амалга оширилади. Бошланғич таълим-тарбия масъулияти «ўқитувчи+ўқувчи бирлиги» заминида белгиланади. Замон — талабига кўра бошланғич мактабда **руҳшунос тарбиячининг** фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

Бошланғич мактаб режасининг мазмун ва мундарижаси жамият тараққиёти ва давр талаби даражасида янгиланади. Жумладан, янги ўқув режасидан «савод одоби», «ҳаққоният», «назар ибраат», «ҳаё одоби», «нутқ одоби», «қироатхонлик», «ҳаттотлик санъати» сабоқлари, «ҳисоб таълими ва қурилмалар билан ишлаш», «компьютер ўйинлари», «нафосат тарбияси» кабилар ўрин олади. «Эски ўзбек ёзуви»ни (2-синфдан) ўрганиш, адабиёт дарсларида эса **жамиятшунослик, ўлкашунослик, табиат сабоқлари, ҳайвонот ва ўсимликлар олами** ҳақида ҳам дастлабки тушунчалар берилиши зарур. Шунингдек, **янгиланган бошланғич таълимда сабоқ дақиқалари, кунлик ва ҳафталик соатлар қисқариши кўзда тутилади.** Болаларни атрофдаги нарсалар, маданий ёдгорликлар билан яқиндан таништириш мақсадида 1-синфда ҳар ҳафтада, қолган синфларда 2 ҳафтада бир марта сайр ва саёҳатларга боришлари режалаштирилди. Ушбу предметлар заминида бир неча фанлардан мужассамлаштирилган таълим-тарбия ўрин олган ва барчасида асосан **шахс тарбиясига** эътибор бериш мақсад қилинган.

Ўқув-тарбия фаолиятини табақалаштириш каби энг муҳим ишларнинг таълим жараёнида бир неча нусхали (вариатив) бўлишига эришиш фараз қилинмоқда. Бунда:

— ўргатилиши лозим бўлган ўқув материалларининг мавзуси белгиланади (турли хилдаги синфлар: гимназия, лицей, предметларсиз ўқитишнинг афзаллиги, баҳо қўймай ўқитиш ва тарбиялаш, иқтидорли болаларни якка-якка ёки қўшиб ўқитиш усуллари);

— ўқувчилар учун ўзи хоҳлаган фаолиятни танлашга кенг имконият яратиш (дарс жараёнида, дарсдан ва мактабдан ташқари вақтларда, турли машғулотларда);

— болаларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда турли хилдаги ўқув топшириқларини бериб, унга мослашувларини таъминлаш (кўп нусхалардаги якка ишлашга мўлжалланган тадбирлар).

Келажакда ҳар бир ота-она ўз фарзандини 6—7 ёшгача мактабга тайёрлаш учун ўзларига ёққан тарбия шаклларини танлашлари мумкин: уй шароитида, жамоат жойларидаги тайёрлов гуруҳларида, мактаб қошида ташкил этиладиган тайёрлов гуруҳларида; шунингдек, жисмоний тарбия, мусиқа, расм, чизишни ўргатувчи пулли гуруҳларда (хонадонларда ташкил этилган гуруҳларда).

Булар болаларни мактабга боргач, муваффақиятли ўқиб кетишини таъминлайди.

Келажакда 1-синфданоқ ўғил ва қиз болаларни алоҳида-алоҳида ўқитиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар икки жинснинг ўзига хос тарбиясини илк таълимданоқ амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

2. Бошланғич мактаб таълим-тарбия услубиётининг тадқиқот ишларини Т. Н. Қориниёзий номидаги ЎзПФИТИ бошланғич мактаб бўлими қошидаги илмий-методик кенгаш бошқаради.

3. Бошланғич мактаб бўлими қошидаги амалий-илмий ижодий гуруҳ Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган «Низом» асосида фаолият кўрсатади.

4. Бошланғич таълим бўлими қошида кичик «Маърифат корхонаси» ташкил этилиб, у бошланғич мактаб амалиёти билан шуғулланади. Жумладан, хорижий мамлакатлар педагогик тажрибасини ўрганиш ва оммалаштиришда «Маърифат корхонаси»нинг роли катта бўлади.

III. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ МАЗМУНИ

Бошланғич мактабнинг янги мазмуни кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг **умумий ривожлантиришни,** таълим-тарбия бериш ишларини такомиллаштириш учун аниқ илмий асосланган йўналишни белгилайди.

Болаларда одамийликни, маданиятли, одобли, ахлоқли, хушхулқли фазилатларни тарбиялаш учун зарур воситалар танланади. Она-Ватанга меҳр-муҳаббатли, элпарвар бўлиш истаклари, эзгу туйғулар уйғотилади.

Болалар меҳр-шафқатли, нозик, нафис, дид-фаросатли бўлиб камол топишга, фикрларини эркин ифода этишга ҳамда **тафаккур қилишга** йўналтирилади.

Тил ўқитишнинг амалий йўналишига кичик ёшдаги ўқувчилар билиш фаолиятларининг ўзига хос тараққий этиши, шунингдек, болаларнинг руҳий-физиологик хусусиятлари билан узвий боғлиқлиги ҳисобга олиниб ёндашилади. Ёш авлоднинг маънавий камолоти кўп жиҳатдан она тили таълими самарадорлигига боғлиқ (Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг 2-моддаси).

Янги ўқув режасига киритилган «нутқ одоби», «қироатхонлик сабоқлари», «ҳаттотлик санъати» сабоқлари болаларга таълим бериб, унга қолмай, балки уларда муомала маданияти, ширинсуханлик, нотиқликни эгаллашга, дастхатларнинг кўркамлигига, ўқишнинг таъсирлилигига эришиш, қироат билан ўқишга, тавсифлашга, ривоят, эртак, мақол, ҳадис айтишга ўргатиш кўзда тутилади.

Она тили таълимини такомиллаштиришда бошланғич синф ўқитувчилари қуйидаги мезонларга таянади:

— адабий тил тушунчаси кенг қамровли, кўп қиррали ҳодиса эканлигини чуқур англаш, адабий тил тараққиёти барқарорлигини таъминловчи воситалардан унумли фойдалана олиш, унинг меъёрлари билан секин-аста таниша бориш;

— тил Қонунининг таълимига тадбиқи муносабати билан болаларга тил ўргатишдаги усуллари (кўргазмалилик, якка-якка ишлаш учун бериладиган топшириқлар, карточкалар ва вазифалар хилма-хиллиги)ни такомиллаштириш;

— таълим жараёнидаги тафаккур ривожида маънодан ақлга, оддийдан мураккабликка, бўлакдан бутун томон бориш энг мақбул ва осон йўллардан бири эканлигини ҳисобга олиб иш юритиш;

— таълимга **лисоний** таҳлил, матн асосида ўқитиш усулларини жорий этиш;

— таълим жараёнида ҳодисалардан грамматик қоидаларга бориш йўлини тутиш;

— тил ва адабиёт муштараклигига эришиш;

— тил-адабиётни ўргатишда мусиқа, тасвирий санъат, жисмоний тарбия воситаларидан мавзулар ва матнлар мазмунига мослаб кенг фойдаланиш;

— ҳар бир дарсни илмий нуқтаи назардан ташкил этилишини кўзда тутиш.

Бошланғич мактабда **она тили, адабиёт (ўқиш ва ёзиш), ҳисоб, мусиқа ва маҳорат (нафосат), жисмоний тарбия ҳамда чет тили** каби бешта фан ўқитилиши кўзда тутилади. Булардан чет тили (араб, турк, инглиз, рус тили каби) ўқув режасида факультатив саналади. Қолган **тўрт фан бошланғич таълимнинг асоси саналади: ҳар бир фан ўзаро алоқадор (боғлиқ) бир қанча сабоқлар мажмуидан иборат бўлади.** Масалан, адабиёт таълимида халқ оғзаки ижоди (оғзаки адабиёт), ёзма адабиёт, қироат ва ривоят, оила ва маҳалла, жамият ва табиат, она замин ва экология, ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёси ҳақидаги сабоқлар ҳам берилади

Ҳар бир фаннинг мазмун ва мундарижаси, ҳажми ва усули бошланғич мактаб ўқув режаси, дастури ва дарсликларида ўз ифодасини топади.

Тарбия тарихий-миллий анъана (иймон-эътиқод, ғурур, виқор, иффат...) диний-дунёвий таълим ҳамда исломий маданият заминида сингдирилади.

IV. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ

Бошланғич таълим мазмунига аниқлик киритиш, ўқув воситаларини ўринли ва мақсадга мувофиқ йўналишда узвийликка эътибор берган ҳолда танлаш, болаларнинг ҳар бир иши учун шарт-шароит яратиб, ишга ижодий муносабатда бўлишни таъминлаш, янги ўқув воситаларига эга бўлиш — компьютерлаш кўзда тутилади.

Ўқув фаолиятини ташкил этиш **тизимини** тўғри, аниқ, танлаш, дарс таълимнинг асоси эканлигини ҳисобга олиб ёдашш, дарснинг тузилишидан тортиб, унинг мазмуни, йўналиши, мустаҳкамланиши ва якунланиши янгича бўлиши, дарсда ўқувчиларнинг **қониқишига** тўла эришиш тадбирлари белгиланади.

Яхши дарс учун эса янги, яхши қўлланмалар зарур. Янги қўлланмалар қандай мазмунда ва шаклда бўлиши керак? Бу — катта муаммо. Уни хал қилиш учун моддий ва маънавий таянчлар зарур. Дарслик тузишда илмий тафаккур **мезонини** белгилаш зарур Дарсликларнинг янги шакли (модели) шундай бўлиши керакки, унда болалар билан муносабат уйғунлашиши, фаолият юзага келиши, қийинчиликсиз таълим ва тарбия бериш тизимини тўғри белгилаш кўзда тутилмоғи зарур.

Янги мазмун касб этаётган бошланғич мактаб ўқувчиларини ўқув йилининг дастлабки кунлариданоқ китоб билан боғлаш тиббий ва педагогик, руҳшунослик нуқтаи назардан тўғри эмаслиги, бу ҳақдаги буюк аллома Ибн Синоннинг маълум хулосаларига таяниш лозим. Дарсликлар мазмуни, тузилиши, мундарижаси жиҳатдан бутунлай бошқача бўлиши, яъни миллий, шарқона бўлиши билан бирга боланинг ёши, имкониятлари тўла ҳисобга олиниб, мисол ва амалий фаолият кўрсатишга **мўлжалланган,** уларнинг ўзлаштириш қувватига мосланган бўлиши зарур.

Кўп саҳифали, зерикарли, тушунарсиз матнлар ўрнига, дарсликни қисмларга бўлиб, қисқа чоп этиш, назарий асосланган матнлар ўйин воситалари билан боғланиши, дидактика талабларини ўзида тўла акс эттирган бўлиши лозим. Унда халқ педагогикасининг дурдоналари, ҳикматлар, халқ оғзаки ижодининг энг яхши намуналари қўшиқлар термалар, сўз ўйинлари, лапарлар ўрин олмоғи керак. Айниқса, боланинг тафаккур этиб ишлашига имкон берувчи (чизиб, бўяб ақлини чархлайдиган қизиқарли топшириқлар: бўш ўринларини мустақил равишда ҳарф, бўғин, сўзлар, гаплар), турли белгилаб топиб тўлдириш, яъни ижодий ёндашиб ишлайдиган воситалар танланади. Дарсликлардан фақат бир ўқув йилидагина фойдаланиш кўзда тутилади. Ўқувчиларнинг **тежамкорликка** ўргатиш зарурияти белгиланади.

3—4-синф «ўқиш китоби»ларига тарихий, жуғрофий, ўлкашунослик, жамиятшунослик билимларидан баъзи қизиқарли матнларни киритиш билан бирга физика, кимё, фалокиёт, ҳатто этнографияга доир лаборатория машқларини ўтказиш режаланяпти. Ўқувчиларда бу фанларга нисбатан эртароқ қизиқиш уйғотиш, уларда билишга, ўрганишга бўлган **талаб, эҳтиёжни** қондириш учун қизиқарли мисолларга бой кичик ҳажмдаги ривоятлар берилади. Уларни дастлабки фалсафий мушоҳада қилишга ўргатадиган битиклар, матнлар тўпламларини тузиш ҳам зарур. Шунингдек, инсонга муносабат, уни эъзозлашга, улуғлашга ундовчи мавзулар дарсликлардан кенг ўрин олиши ва болаларда инсонпарварлик фазилатларини тарбиялашга алоҳида эътибор бериш каби мақсадлар қўйилмоқда.

Дарслик орқали болалар тарбиясида шарқона кўҳна анъаналарни, урф-одатлар удумларни тиклашга муваффақ бўлиш зарур. Бунинг учун биринчи навбатда, Шарқ, қолаверса, жаҳон маданияти буюк алломаларининг фалсафий қарашларига, болалар тарбиясига доир дурдона фикрларни, диний ақидалардан муқаддас «Қуръони каримдан», «Ҳадиси шариф» ва «Ҳикматлар»дан ўгитларни «Ўқиш китоб»ларига киритиш зарур. Дарсликлар тўла қонли **ўқув сарчашмаси** бўлиши, улар болаларга фақат таълим берибгина қолмай, балки руҳий озуқа бера олиш даражасига кўтарилиши, ўқувчиларни ўқув материали билан муносабатга киришиши учун қулай бўлиши, дарсликлардаги матнлар уларни толиқтирмайдиган, аксинча, болаларга руҳ, қувонч,мамнунлик бахш эта оладиган бўлиши керак.

Боланинг ўсиши ва ривожланиши, тафаккур қилиши таълим жараёни оқимида астасекин ривожланади, у ташқи дунё билан боғланади, ўй, тафаккури кенгаяди. Унда мустақиллик фаолияти вужудга кела бошлайди. Шунинг учун тавсия этилаётган йўриқномада болаларни биринчи марта мактабга келган кунидан бошлаб болага таълим бериш ишларини **ҳиссиёт** орқали билим олишга ўргатитилади

Боланинг ички кечинмаларини ҳисобга олиб, айрим пайтларда у билан **келишиш, ихтиёрни унга топшириш,** унинг **истаклари** асосида дарсни ташкил этиш ҳоллари таълим ишини инсонпарварлаштирилишига ёрдам беради. Шундай қилинганда болалардаги ботиниш қобилиятлар юзага чиқиши мумкин, уни аста-секин ривожлантирилса, лоқайд ҳисобланган бола ҳам ўзгариши мумкин. Натижада таълим ишида эса фаоллик ошади.

Болани ҳар ишда **ақлий жасурликка** даъват этиш усулларини қўллаш ва шу орқали уни мушоҳада этишга, ўзини эркин тутиб, ўзида бўлган ишончни ҳайиқмай намоён этиш фаолиятини кучайтиришга чорлаш лозим. Бу усул таълимда энг **ишончли** омиллардан биридир.

Болада имкониятлар **сарҳади** чексиз. Бу имкониятларнинг пайдо бўлиши тасодифий эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. Боланинг ўз имкониятларини ишга солишга уни етаклаш, асосан, **ўқитувчига** боғлиқ.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига зўрма-зўраки ёндашиш, уларнинг чексиз имкониятларини чегаралашга олиб келади. Инсоний қонунларга риоя қилган ҳолда болаларнинг эркин бўлишига имкон бериш зарур.

Бола руҳиятини билиш, унга муносабатда бўлишнинг турли-туман йўлларини топиб, уни амалиётда тўғри қўллагандагина, болада **умид** ва **ишонч** каби зарурий ҳис-туйғулар пайдо бўладики, бу туйғулар уни **руҳан соғлом, ақлий теранликка** ундайди.

Ақлий жасурлик янги авлодга ҳамиша ҳамроҳ бўлиши учун болада ўзига бўлган ишончни ошириш унинг имконият чегарасини кенгайтиради. Бу ишларга тўғри раҳнамолик қилиш эса ўқитувчининг маҳоратига боғлиқдир.

V. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБЛАРДА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Болаларни мактабга қабул қилиш тартибида ҳам ўзгаришлар бўлади. Ота-оналар ўз болаларини хоҳлаган мактабларига, ўқитувчига беришни ва қайси дарсликдан ўқитишни ўзлари белгилайдилар (келажакда бир неча нусхали, вилоятлар шароитига, миллий анъаналарига мосланган (вариатив) дарсликлар бўлиши кўзда тутилади).

Кичик ёшли ўқувчиларга таълим бериш, тарбиялаш ва уларни муносабат, мулоқотга кириша олишларининг асосий ташкилий шакли — бу дарсдир. Дарс ўқувчилар жамоасини бошқаришнинг кичик корхонасидир. Унинг қурилиши, йўналиши, болаларни ҳаракатига келтириш учун қулай шарт-шароитва воситалар бўлиши керак.

1 ва 2-синфларда дарсларнинг давомийлиги 25—30 дақиқа, 3 ва 4-синфларда 35—40 дақиқа ва ҳар куни ҳордиқ чиқарувчи ҳамда болаларни жисмоний ҳаракат қилишлари, ўйнашлари учун 40 дақиқали катта танаффус ва дарслар оралиғида 10—15 дақиқали танаффуслар берилади (40 дақиқали танаффусларда болаларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун ҳаракатли ўйинлар, уларга ором беришни таъминловчи услубий тавсиялар ҳозирланади).

Ўқитувчи ҳар бир дарсни қисмларга бўлиб ўтиши, бошқа фанлар билан уйғунлаштириб, унда ўйин, мусиқа, жисмоний ҳаракат, тасвирий санъат ва бадиий воситалардан фойдаланиши зарур.

Жумҳуриятимизда муаллифлик мактабларига кенг йўл очиш зарур. Бу мактаблар муаллифнинг таклифлари билан ўқув-тарбия ишлари асосида болаларнинг умумий камолоти тарбияланади. Махсус ўқув режаси, ўқув дастури ва дарслик **қўлланмалар** ҳозирланади.

1-синфларда ўқув ҳафтаси 5 кун, шундан бир кун сайр ва саёҳатларга олиб боришга бағишланади. 3—4-синфларда эса ўқув ҳафтаси 5 ёки олти кунлик бўлишини мактаб маъмурияти белгилайди. Бу синфларда ҳам икки ҳафтада бир марта сайр-саёҳатлар ўтказилади.

Бошланғич мактабнинг 1 ва 2-синфларида ўқувчиларнинг ўқув дастурини ўзлаштиришдаги муваффақиятли фақат сифат жиҳатдан баҳоланади. 3—4-синфларда эса 3 балли баҳо тизими қўлланади: 5 (аъло), 4 (яхши), 3 (ўрта). Болалрга ёмон баҳо қўймасликнинг олди олинади, яъни муаллим ўқувчиларга дарс жараёнида пишиқ-пухта билим беради ва уларнинг ўзлаштиришларини таъминлайди.

Ўқувчилар саломатлигини тиклаш ва уларни табиат билан яқиндан ошно қилиш учун бошланғич синфлар мактаб ўқувчиларига баҳорда: (март, апрелда) 2 ой давомида **«табиат қўйнидаги дарслар»** деб аталмиш сабоқлар берилади. Ўлкамизнинг манзарали жойларига бориб ташкил этиладиган бу ишлар оталиқ ташкилотлари, жамоалар, ҳомийлар, ота-оналар ташаббуси билан амалга оширилиши керак.

Куни узайтирилган гуруҳлар ишини қайта тузиш, — янгилаш, ўқувчиларнинг қобилият, иқтидорларига қараб саралаш ва турли тўгаракларга жалб этиш муҳимдир. Бу тўгаракларда болаларни асосан илмий иш билан машғул этиш режалаштирилиши керак.

Қизларга бичиш-тикиш, тўқиш, каштачилик, уй-рўзғор ишлари, ўғил болаларга эса асбоб-ускуналарни тузатиш ва улардан фойдаланиш, ямоқчилик, миллий ҳунармандчилик каби ишлар ўргатилади.

Тўгараклар раҳбарларига мактаб ёки ота-оналар пул тўлайдилар.

Мактабда ўқувчиларни ижтимоий меҳнат фаолиятига тайёрлаш уларнинг руҳиятига ҳамда қобилият — ўқувига қараб уюштирилади. Меҳнат қилиш орқали бола шахси тарбияланишига, сабр-тоқат, ирода сифатларини таркиб топтиришга алоҳида эътибор берилади. Болада меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, мақсад сари интилиш, меҳнатга мустақил ёндашиш каби сифатлар тарбияланади. Меҳнат жараёниида болаларда янги туйғуларни, ўй ва фикрларни, ижодиётни уйғотиш, меҳнатдан қувониш, мамнунлик пайдо қилиш зарур. Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган меҳнат болаларда қўникма ва малакаларнинг тез шаклланишига кенг йўл очишини ҳисобга олиш керак. Шунингдек, жамоа бўлиб қилинган ишнинг аҳамияти жуда катта. Ҳамма бир мақсад сари интилади. Болаларда бир-бирларидан орқада қолмасликка, ишнинг самарали чиқишига интилиш ҳислари ўстирилади. Мажбуран ишлашга ундаш педагогик томондан мутлақо нотўғри эканлигини исботлаб, боланинг меҳнатдан безишига йўл қўймаслик лозим. Меҳнат кичик ёшдаги болалар учун эҳтиёжга айланиши зарур. Вақтни тежаш ўқувчи фаолиятида энг муҳим аҳамиятга молик бўлиб, бунинг моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш зарур. Ўқитувчи кичик ёшдаги ўқувчиларда **тежамкорлик** ҳиссини тарбиялаши, уларга «увол», «исроф» сўзларининг луғавий маъносинигина эмас, балки амалий аҳамиятини англатиши, бу борада ўғил-қизларни баъзи фойдали ишлар билан шуғуллантириши керак.

VI. ТАЪЛИМ БЕРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА КАСБКОРИ

(Таълим услубияти ва технологияси)

Янги таълим мазмунда усул ва услубият, жиҳоз ва технология ҳам янгича шакл, кўриниш касб этиши зарур. Таълимнинг самарадорлиги, ўқитиш усулларини тўғри танлашга, ўқувчиларнинг қабул қилиб, ўзлаштиришларига мосланган бўлиши керак. Келажак мактаблари учун тавсия этиладиган усуллар ниҳоятда қизиқарли ва осон бўлишини таъминлаш лозим. Булар ўйин-машғулотлар, ҳаракатли-таълим, турли бош қотиргичлар ва бошқалардир.

Ўқув фаолиятини айнан ўйин доирасидан келиб чиқишини ташкил этиш орқали болаларда ўз-ўзини бошқариш, назорат қилиш, баҳолаш, кузатувчанлик, ирода, ташаббускорлик, мустақиллик ва барқарорлик таъминланади.

Ўқув фаолиятини иложи борича **табиат қўйнида** бўлишига эришиш лозим. Табиат болаларга ҳордиқ, қувонч, мамнуният бахш этади. Табиат қўйнида бўлган болалар табиатга яқинлашади, уни севади, ардоқлайди. Айни табиатнинг экологик ҳолатини яхшилашда болалар иштирокини ташкил этиш, уларни табиатнинг кичик дўстларига айлантириш, «Табиат қўриқчилари» гуруҳларини тузиш, бу гуруҳлар сонини йил сайин кўпайтириш, ўғил-қизларда табиатга онгли муносабат, инсонларга меҳр-шавқат ҳиссини уйғотиш учун дарсдан ташқари махсус машғулотлар ўтказиш, тўгараклар ташкил этиш лозим. Токи болаларда теварак-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни илғаш, уларни тафаккур қилиш фаолиятлари ривож топсин, шаклланссин.

Жумҳуриятимиз мактабларида кўпдан бери оқсаб келаётган озкомплектли мактаблар ҳаётини ўрганиш, илмий изланишлар ўтказиш лозим. Олий ва ўрта ўқув махсус ўқув юртлари ўқув дастурига айни кунда озкомплектли синфлар билан ишлаш бўйича ҳам махсус бўлим, мавзулар киритиб, талабларга мазкур синфлар ҳақида тушунча берилиб, кези келганда ана шундай синфларда ҳам ишлашга тайёрлаш лозим.

VII. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИ

Бола илк маълумот ва тарбияни бошланғич синф ўқитувчисидан олади. Ўқитувчи таълим берибгина қолмай, балки болаларнинг дунёқарашларини шакллантиради, уларда дўстлик, ўртоқлик, биродарлик ва байналминалликни тарбиялайди. Одобли-ахлоқли, ширинсухан, маданиятли болаларни ҳаётга тайёрлайди. Энг муҳими, болаларда ўқиш, ўрганишга чинакам **ҳавас, иштиёқ ва ихтиёр, эътиқод** уйғотиш ишларига **асос** солувчи шахс сифатида алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам у ўта **мўътабар шахс** ҳисобланади.

Бошланғич синф ўқитувчисининг вазифаси юқори синф ўқитувчиларининг вазифасига нисбатан анча мураккабдир. У бир неча фанлардан дарс беришга **ихтисослашган** тайёр ўқитувчи бўлиши керак. У ўқувчиларни ҳамма фанлардан саводхон бўлишлари учун жавобгардир — масъулдир.

Ўқитувчи биринчи синфдан бошлаб, ўқувчилар тафаккурининг изчиллик билан ривожланишига алоҳида эътибор бериши, таълим жараёнини ташкил этиш ва тўғри йўналтириш учун аниқ мақсадлар қўя олиши, ўзида ишбнч, мустақиллик, ирода сифатларини ҳосил этиб, уни тўлақонли **мужассамлаштира** олиши керак.

Бошланғич синф ўқитувчисига бўлган талаблар қуйидагилардан иборат:

— мактабгача ёшдаги болалар хусусиятини билиши, физиология ва гигиенадан хабардор бўлиши;

— илмий-назарий, сиёсий-ғоявий савияга эга бўлиши;

— тарғиботчи ва ташвиқотчи бўлиши:

— ўз хатти-ҳаракатлари, болажонлиги ва одиллиги, самимий муносабатлари билан кичкинтойлар меҳр-муҳаббатларини қозона олиши;

— ўз касбига меҳрли, эътиқодли, ҳур фикрли, илмий тафаккур қила оладиган, маданиятли шахс сифатида шакланган бўлиши;

— болаларга таълим бериш ишига иқтидорли бўлибгина қолмай, балки **иккинчи иқтидорга** ҳам эга бўлиши;

— қалби гўзаллик ҳис-туйғуларига бой, маънавий олами кенг, мурувватли, саховатли бўлиши;

— болаларни халқ педагогикаси дурдоналари ҳамда миллий қадриятларимиз асосида тарбия қила олиши;

— ота-оналар наздида ўз истедоди, болажонлиги билан ишонч, ҳурмат, чексиз обрў-эътибор қозона олиши;

— нутқи равон, адабий тил услуби ва меъёрларини тўла эгаллаган бўлиши;

— ўз хушёрлиги, зукколиги билан ажралиб туриши, ўзининг бу сифатларини болаларга ҳам сингдириб, уларни ҳозиржавобликка ўргатувчи воситаларни топа олиши;

— кундалик ҳаётдаги долзарб вазифалар ечимини ҳал эта оладиган, тезда ўз ишига ўринли тадбиқ қилмишга эриша оладиган, шунингдек, инсон омилига тўғри ёндашиш қобилиятига эга бўлиши керак.

— болалар **тақдирини** ҳал қилишдек олижаноб ишнинг бош тизимини бошланғич синф ўқитувчиси қўлига тутқазиш ва ундан **мукаммал шахс** камолатини талаб этиш миллий мактабнинг мақсадларидир.

VIII. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ ИЎЛ-ЙЎРИҒИНИНГ АМАЛИЁТИ ВА МАЛАКА ОШИРИШ

1. Бошланғич таълим мазмунини қайта қуриш ўқув дастурлари ва режалари:

а) тарбия жараёнини қайта қуриш;

б) таълим жараёнини қайта қуриш;

в) илмий-тадқиқот ишларининг мувофиқлиги;

г) педагог мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

д) моддий-техник таянчини таъминлаш;

е) тарихий-миллий анъаналарини ривожлантириш, халқ педагогикаси тажрибасига таяниш.

2. 1—4-синфлар учун ўқув дастурларининг илмийлигини таъминлаш (ўқув режалари ва дастурлари, ўқув-услуб қўлланмалари, дидактика бўйича қўлланмалар):

а) . қироат (талаффуз) дарслари учун махсус ўқув қўлланмаси;

б) Санъат сабоғи дарслари (ҳаттотлик) ўқув қўлланмаси;

в) баҳо меъёри тўплами.

3. Бошланғич синфларда ўқувчи ҳужжатларининг мўътадиллигини расмийлаштириш.

4. Илмий-амалий анжуманлар, семинарлар ўтказиш (илғор ўқитувчилар тажрибасини умумлаштириш).

5. Бошланғич таълим фаолияти халқ та

Мусо ота Тошкент шаҳри ва унинг атроф-қишлоқларида, ҳатто ўзи таълим олган Бухоро олий мадрасаси жамоаси орасида ўзининг ўта саводхонлиги, самимийлиги, ўткир маслаҳатгўйлиги билан ном чиқарган табаррук инсон эди. Ота етти йиллик мадраса таълими давомида ўз она тилисинигина эмас, шунингдек араб ва форс тилларини пухта ўрганган. Энг муҳими, ана шу тиллар воситасида Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф ва уларнинг чин моҳиятини юракдан ўрганди. Мусулмон олами учун муштарак бўлган тарбия ва ахлоқ, миллий эътиқод ва қадриятларга бағишланган суралар юзасидан масала таҳлил этадиган олим сифатида танилган Мусо домла Тошкентда эски мактаб ва мадрасада дарс берди. Ҳатто Кўкалдош мадрасасида имомлик ҳам қилди.

Мусо домланинг ҳаёт тарзи, оилавий тирикчилик мақомида ҳунармандчилик, қоласерса, деҳқончилик асосий манба эди. Илм ва билим кетидан топилган маблағлар иккинчи даражали тирикчилик ҳосиласи бўлган. Мусо ота ўз фарзандларини пешона тери, ҳалол меҳнати билан топган маблағи ҳисобига боқди, тарбиялади. Йигирма тўрт ёшида Қуръони Каримни ёд олган катта қалб ва жасорат эгаси бўлган Мусо домла оиласидаги бош фарзанд — Шаҳид Эсонни ўқитиш, дунё танитиш пайига тушди. Уни ёзув-чизувга пешқадам, китоб ва баъзи манбаларнинг оддий ва содда матнларини дадил ўқий оладиган қилиб тарбиялади.

Шаҳид Эсон 1900 йилда 16 ёшга тўлди. Бу даврга келиб бўлажак олим, маданият ҳодими Тошкентнинг «Каллахона» маҳалласидаги биринчи ва иккинчи босқичли мадрасани таълимини аъло даражада битирди. У тил ва адабиёт илми, айниқса, тарих ва жуғрофия фанларига меҳр қўйди; бу фанлардан эски мактаб ва рус-тузем мактабларида дарс берди; ота изидан бориб, ўзининг ўткир педагоглигини кўрсатди. Ҳатто у отасининг ёрдамида ўз ҳовлисида 1909 йилда жадид мактабини очиб, бу ерда Туркияга ўқишга кетгунча ахлоқ ва ёзув, ўқув ва қироатдан дарс берди. Бу даврда у бир йил масжид қошида имомлик ҳам қилиб, мусулмонларнинг эътиқодий тарбиясига ҳам катта кўмак берди.

Мусо ота ўз фарзандини ўзбек халқининг, умуман туркий халқларнинг тили, маданияти, тарихи ва ахлоқини, мусулмон оламининг пайдо бўлиш тарихий оламини ўргатиш йўлига етаклади. Бунинг учун унга турли хил тарихий манбаларни ўқишни тавсия этди.

ШАҲИД ЭСОН МАНБА ВАРАҚЛАЙДИ

Ота тавсия этган Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону-луғотит турк», Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», шунингдек, «Гўрўғли», «Алпомиш» достонлари, XVIII аср сўфийлик поэзиясида донг чиқарган Шайх Ғолибнинг «Гўзаллик ва севги»,Фирдавсийнинг «Шоҳнома» китобларини, қолаверса, буюк Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» асарини мустақил ўқиб, моддий дунё, мусулмонлар руҳий олами, тарихи, маданияти ҳақида маълумотлар олган Шаҳид Эсон Мусо ўғли ўз малакасини ошириш устида чинакамига ишлади, бетиним изланди.

Ҳужжатасров далиллари, жонли гувоҳларнинг шоҳидлик беришича, Мусо домланинг маслаҳатлари билан у Туркияга бориб ўқишга қарор қилади. Нега? Шунинг учунки, чор ҳукумати, аниқроғи, Николай подшо босқини гирдобида қолган Туркистон ўлкасидаги халқ маорифи, маданияти, турмуш тарзи Туркияга нисбатан анча паст, орқада эди. Шу сабабли Шаҳид Эсон чет элга бориб таълим олиш, атрофлича билимга эга бўлиш, ўзга эл маърифат нурларидан баҳраманд бўлиш асосида ўз халқига манфаат етказишга аҳд қилди.

АҲДГА ВАФОДОРЛИК

Чор Россиясини қанча босқинчи, ваҳший, қотил, муштумзўр демайлик, бир ёмоннинг бир яхшиси бўлади, деганларидек, Николай сиёсатида қўл остидаги мазлумлар орасидан истеъдодлиларнинг чет элларга — Германия, Туркия, Франция, Арабистон, Англия каби мамлакатларга бориб, олий ўқув юртларида таълим олиб келишга тўсқинлик қилмаганлигини, бунга оқ йўл тилаганлигини унутмаслик керак. Бу хайрли ва инсоний мурувват шўро даврига келиб тамоман чеклаб қўйилди. Илм олишга, дунё танишга, истиқлол сари олға боришга тиш-тирноғи билан қарши чиққан, бу йўлда кураш олиб борган зиёлилар фаолиятлари таққирланди; чет элда ўқиб келган кишилар шўролар душмани, миллатчи, аксилинқилобчи сифатида қораланди: хуллас, чет элларда таълим олиш — шўро ҳукумати ва унинг ягона ғоявий раҳбари — коммунистик партиянинг хавфли душмани деб қаралди. Оқибатда олдга силжиш, фикр қилиш, тараққиёт ҳалқалари парчаланди. Шўро диктатураси ва унинг раҳбарлари тегирмонни ўз хоҳишига мослаб айлантира бошладилар. Диктатурани сақлаб қолиш учун ўткир фикрли миллий кадрларни қатағон қилиб, итоаткор бандалар «бошини силадилар...».

Хуллас, ўзбек миллий педагогикаси, қадриятларимиз, фанимиз тараққиёти йўлида сабр-тоқат билан билим олишга бел боғлаган Шаҳид Эсон Мусо ўғлини Туркистон жумҳурияти Туркияга ўқиш учун юборди. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, ўша пайтларда чет элларга тафаккур қилиш қобилияти ўткир, анча кенг қамровли билимга эга бўлган, маданиятли кадрлар танлаб олиниб юборилар эди; кўпроқ араб, форс, немис, инглиз, француз тиллари, турк тили билан эркин сўзлаша олувчи кишилар танловдан ўтказилар ва уларни қизиққан соҳалари бўйича жўнатиларди. 1911 йилда Шаҳид Эсон Мусо ўғли Истанбул шаҳрига келиб, Туркияда энг қадимий — 1453 йилда ташкил этилган университетнинг тил-адабиёт, тарих-география мутахассислиги бўйича ўқишга кирди.

ЎҚИШ ВА ЎҚИШ

1914 йил бошида ҳокимият навбати билан Ёш туркларнинг бошлиқлари Анвар пошшо, Талъат ва Жамол пошшолар қўлида бўлди. Бу даврда сиёсий тузум мазкур пошшоларнинг дунёқарашига мос ҳолда ҳаракат қилди. Халқ таълими, олий таълим тизимида кўпроқ пантуркизм ва панисломизм ғояларининг тарғиби кучая борди. Бу нарса бошқа тиллар оиласига мансуб бўлган халқлар, миллатлар орасида миллатчилик ва низоларни келтириб чиқарди. Ана шундай муҳитда таълим олаётган чет эллик талабаларга пантуркизм ва панисломизм ғоялари таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Шу сабабли ҳам Шаҳид Эсон табиий равишда мазкур ғоялар таъсирида бўла борди.

1916 йилда университетни аъло баҳолар билан тугатган 31 ёшли ўзбек йигити бу ерда ишга олиб қолинди. Дарвоқе, сўнгроқ ўқишни аъло битирганларни Туркия буюк миллий мажлиси раиси Отатурк қабул қилган ва уларга ёш авлодга таълим-тарбия беришларида омадлар тилаб, уларнинг туркий халқлар, мусулмонлар бирлиги, муштараклигини сақлашларига тилакдош бўлган эди.

Шундай қилиб, Шаҳид Эсон Истанбул университети туркий тиллар филологияси факультетида тил тарихи ва қадимги туркий халқ оғзаки адабиёти — фольклордан дарс бера бошлади. Турк адабиёти классикларидан Мидхат Аҳмадни ўзига устоз билиб, ундан маслаҳатлар олиб, муаллимликни давом эттирди. Турк адабиётининг алломалари — Ҳомид Эдип, Рашод Нури Гунтекин, Ёқуб Қодирийлар билан мулоқот ўрнатиб, уларга эргашди.

Илм олишни юракдан севган Шаҳид Эсон Мусаевнинг тафаккур қобилияти, тиришқоқлиги, юксак ахлоқий маданияти Истанбул дорилфунуни муаллимлари ва талабалари жамоасининг эътиборини қозонди. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, у М. Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» сўзлигини атоқли турколог, турк халқининг юксак дидли филолог олими Босим Аталай томонидан араб тилидан турк тилига ағдаришда маълум қисмлар бўйича унга кўмаклашди. Мазкур луғат таржимаси 1921 йилдан бошланган эди (Шорасул Зуннун ёдномаси).

1917 йилнинг бошларидан то 1918 йилнинг ноябригача Шаҳид Эсон Истанбулдаги «Султония» педагогика билим юртида ҳам турк тили грамматикасидан дарс бериб, ўзининг ўткир дидли маорифчилигини намойиш этди. Бу даврда у турк маданияти ва маърифат арбоблари орасида ўзининг ўткир билими, фан асосларини пухта эгаллаганлиги, араб, форс, немис, рус, бутун туркий халқлар тилларини яхши билганлиги, қолаверса, тарихимизни атрофлича ўрганганлиги билан катта эътибор ва обрў қозонди. Шунинг учун ҳам қомусий билимга эга бўлган ўзбекнинг бу етук тарихчи ва филолог олимига 1920 йилда бир овоздан «Афанди» илмий даражаси берилди. Бу ўз соҳасининг «профессори — билағони, доноси» сифатида уни тан олинишининг исботидир.

ТУҒИЛГАН ЮРТ ТУЙҒУСИ

1922 йилнинг баҳори. Ўн икки йил турклар диёрининг тузини ичиб, таълимидан баҳраманд бўлган Эсон Афанди туғилган юртининг қайноқ туйғуси билан яшади. Шу боис бу туйғу уни онашаҳри — Тошкент томон етаклади.

Ўз халқи болаларига билим беришнинг янгича усул ва услубларини яратиб келган олим-педагог турли маориф ва маърифат ўчоқларига бориб, ёш авлодга юракдан сабоқ ўргатмоқчи бўлди. Аммо унинг мақсадлари, истаклари пойида ўта хиралик, қора кайфиятлар тўсиқ бўлаверди. Бу таъби хираликлар янги куч, янги билим билан келган Эсон Афандининг тафтини пасайтира борди. У бу қаллоблик, бюрократик маразликларнинг моҳиятига тушунди...

(Давоми бор).

Қадрли Амон Жўраевич Зарипов!

Бухоро район халқ таълими бўлими ва халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси район қўмитаси Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан қизғин қутлайди.

Сиз, Амон Жўраевич, ижодий изланувчан, фидойи ўқитувчи сифатида ҳамкасбларингизнинг ҳурматини, ўқувчиларнинг меҳр-муҳаббатини қозона олдингиз. Мана йигирма йилдирки, Сиз методист-инспектор, методика кабинети мудири вазифаларида бурчингизни сидқидилдан адо этиб келаётирсиз.

Меҳнат қилган элда азиз. Сиз қадрли ҳамкасбимизга сиҳат-саломатлик, омад ёр бўлсин.

Бухоро райони маорифчилари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ МАКТАБЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Агар ўқув хоналарини жиҳозлашда молиявий қийинчиликларга дуч келаётган бўлсангиз, биз ёрдамга тайёрмиз!

Бунинг учун сиз мактабда макулатура йиғишни ташкил этиб, уни бизнинг тайёрлов шоҳобчаларимизга топширсангиз, мушкулингиз осон бўлади.

Шу йилнинг 28 февралидан бошлаб топширилган бир тонна макулатура учун 500 сўм ҳақ тўлашни жорий этдик.

Мактабда тўпланган макулатурани ўз вақтида йиғиб олишга кафолат берамиз.

Автомашиналарга буюртма: 48-50-38.

Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонаси.

ТЎРТ ЙИЛЛИК БОШЛАНҒИЧ МАКТАБНИНГ ЙЎРИҚНОМАСИ (КОНЦЕПЦИЯСИ)

(Боши 3-бетда).

12. Бошланғич таълимнинг келгусидаги фаолиятини ривожлантириш учун Шарқ мамлакатлари: Туркия, Эрон, Афғонистон, Покистон, Сурия ва бошқа давлатлар мактаблар тизимлари ҳамда ижодий-тадқиқот илмгоҳларининг тажрибаларини ўрганиш учун улар билан ҳамкорлик битимларини тузиш кўзда тутилади.

13. Бошланғич мактаб ўқувчилари учун бир қаватли, қулай шароитларга эга бўлган шарқона услублардаги янги бинолар қуриш ҳақида Ўзбекистон меъморлар (архитекторлар) уюшмасига таклифлар берилади.

14. Болалар ижодиётини ривожлантириш учун Ўзбекистон ёзувчилар, композиторлар, театр ва мусаввирлар уюшмалари билан энг яхши бадиий адабиётлар нашрлари, болалар театрлари, тасвирий санъат асарлари, қўғирчоқ ва соя театрлари учун саҳна асарлари яратишга таклифлар киритиш ва битимлар тузиш кўзда тутилади.

ТЎРТ ЙИЛЛИК БОШЛАНҒИЧ МАКТАБЛАР УЧУН ЎҚУВ РЕЖАСИ

Мазмун, мундарижа	1	11	111	1У	Жами
1.Она тили таълими	3	4	6	6	19
— Савод одоблари	+	+	+	+	
— Савод: ўқиш ва ёзиш		+	+	+	
— Имло ва талаффуз	+	+	+	+	
— Иншо ва ифода			+	+	
— Грамматика				+	
— Нутқ одоби	+	+	+	+	
— Хуснихат /хаттотлик/		+	+	+	
— Эски ўзбек ёзуви			2	2	4
11. Адабиёт /ўқиш ва ўқиш/ таълими	2/3	5	4	5	16/17
— Оғзаки адабиёт /нутқ ўстириш/	+	+	+	+	
—Ёзма адабиёт			+	+	
— Қироат сабоқлари		+	+	+	
— Оила сабоқлари		+	+	+	
— Оила "арифметикаси"	+	+	+	+	
— Жамият сабоқлари /экологик тарбия/	+	+	+	+	
— Табиат алифбеси	+	+	+	+	
а/ ҳайвонат олами	+	+	+	+	
б/ ўсимликлар олами	+	+	+	+	
111. Ҳисоб таълими	3	3	3	4	13
— Саноқ ва миқдор	+	+	+	+	
— Нарса ва қурилма	+	+	+	+	
— Бино ва лойиҳа	+	+	+	+	
— Компьютер ўйинлари			+	+	
1У. Нафосат тарбияси: мусиқа ва маҳорат	4	4	3	3	14
— Мусиқа	+	+	+	+	
— Рақс	+	+	+	+	
— Ўйин /болалар миллий ўйини/	+	+	+	+	
— Маҳорат /зукколик, топқирлик, қиличбозлик/			+	+	
— Бадий тасвирий санъат сабоқлари, меҳнат			+	+	
Рус тили			1	1	2
Жисмоний тарбия	3	2	2	2	9
Чет тили /факультатив/					
Жами	15/ 16	18	21	23	77/78

УҚТИРИШ ХАТИ

Мазкур ўқув режаси миллий мактаб яратиш йўлидаги дастлабки қадамлардан бўлиб, унга киритилган ўқув фанлари бўйича илмий-методик тадқиқот ишлари олиб борилади ва дастлабки ижобий натижаларга эришилади. Таълим жараёнидаги тарихий-миллий анъаналарни ҳисобга олишга ҳаракат қилинди. Мақсад: а) таълим ва тарбия бирлигига эришиш, уни инсонпарварлаштириш, яъни таълимни тарбия заминида сингдириш; б) дили пок, руҳи комил баркамол инсонни етиштириш; в) хоҳиш, истак, қизиқиш, иқтидор, имон-эътиқод, истеъдод куртакларини ундириш.

1. Ўқув режасида она тили таълимига алоҳида эътибор берилиб, бунда асосий диққат саводга (ёзув ва ўқишга) қаратилади; она тили таълими «Имло ва талаффуз», «Нутқ одоби», «Иншо ва ифода», «Хуснихат» (ҳаттотлик сабоқлари), «Эски ўзбек ёзуви» (3-синф) билан тўлдирилди ва мустаҳкамланди.

«Нутқ одоби» сабоқлари «Аҳлоқ-одоб» ёки «Одобнома» илмининг дебочаси бўлиб, у 2-синфда «Ҳадис тафсири» ёки «Ҳадисхонлик», 3-синфда муомала одоби (ширинсуханлик, чечанлик, зукколик, топқирлик, нутқий нафислик, мулойимлик, ростгўйлик, ҳозиржавоблик) заминида, 4-синфда эса «Ҳикмат» ёки «Илми ҳикмат» қисқача «диний ривоятлар», ўгит ва насиҳатлар тарзида сингдирлади ҳамда амри маъриф кўринишларда давом эттирилади.

«Хаттотлик санъати» сабоғи эса ёзувнинг санъат даражасига кўтариш имконини беради, ҳуснихат сабоғи тарзида бошланади.

II. Адабиёт (ўқиш ва ўқиш) таълими дарслари заминида болаларда тарих, жамиятшуносликдан, табиатшуносликдан, ўлкашуносликдан ҳам дастлабки қисқача тушунчалар ҳосил қилинади.

1—2-синф ўқувчиларига ўқиш дарслари заминида табиат «алифбеси» сабоқлари ҳам берилади. Унда теварак-атроф, ҳайвонот ва ўсимликлар олами ҳақида билим бериш билан бирга ҳар бир вилоят, мавзе, даҳа, маҳалла, кўча ва мактаб муҳити ҳақида ҳамда экологик тарбия бўйича, 3—4-синфларда эса ўлкашунослик бўйича дастлабки тушунчалар, билимлар берилади.

«Оила арифметикаси» сабоқларида оила, оиланинг тузилиши, оилада меҳнат тақсимоти ва тарбия, оила арифметикаси, болаларни ёшликдан ҳисобли, тежамли бўлишга, оила иқтисодига киришишга, оиланинг касб-кор, оиланинг саранжом-саришталиги ва осойишталиги жамият тарзини белгилашда муҳим омил ҳисобланиши ўргатилади.

Ўлкамиз тарихи, маданияти, санъати, элэлатлар, ўлка ҳудудида яшовчи халқлар ҳақидаги билимлар ва тарихий обидалар тарихига доир қизиқарли ривоят тарзидаги билимлар берилади, матнлар ўқилади. Уларни таҳлил қилинади, ўша ерларга сайр ва саёҳатлар уюштирилади.

Жамият сабоқларида 4-синф ўқувчиларига қаҳрамонлик, ботирлик, миллий қаҳрамонларимиз ҳақида тарихий-маънавий ва адабий-маърифий маълумотлар берилиши кўзда тутилади.

III. Бошланғич мактабда **ҳисоб таълими** алоҳида аҳамият касб этади. Унда болаларга саноқ ва миқдор, нарса ва қурилмалар, бино ва лойиҳалар ҳақида дастлабки амалий тушунчалар берилади. Келажакда бошланғич мактаб таълимини қизиқарли ва осон йўл билан таълим бериш мақсадида компьютерлаш назарда тутилади. Шунга кўра, ҳисоб сабоғида 2—4-синфларда «компьютер» ўйинлари» қўшимча қилинди.

IV. Нафосат тарбияси ва мусиқа маҳорати. Бунда мусиқа, рақс, ўйин ва болалар миллий ўйинлари, маҳорат (зукколик, топқирлик, қиличбозлик) каби билимлар берилади ва уларнинг амалий йўналишига эътибор берилади.

Меҳнат таълимини мусиқа, рақс, тасвирий санъат сабоқлари билан уйғунлаштириб, бадиий меҳнатга айлантирилади, мужассамлаштирилган дарслар ташкил этилади. Тарихий, ижтимоий, моддий, маънавий, маданий ва маърифий жиҳатлар ҳисобга олинади. Болаларни гўзаллик оламига олиб кирилиши мақсад қилиниб, уларнинг ижодий фаолиятлари ривожлантирилади.

V. Жисмоний тарбия беришнинг янги ўқув режасини жорий этиш. Ҳозирги кунда энг муҳим бўлган масала — болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, уларни ҳаракатга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш, қиз ва ўғил болаларга хос ва мос алоҳида ўқув дастурлари ишлаб чиқиш, ҳаракатли мавзулар ҳамда ўзбек халқ ўйинларининг айрим қисмларини она тили, ҳисоб, мусиқа, меҳнат дарслари, тасвирий санъат билан уйғунлаштириш кўзда тутилди.

ЭСЛАТМА: а) Ўқув режасида тавсия этилган предметларни танлаш билан уларга ижодий ёндашиш мумкин.

б) Чет тили (факультатив) ўқитилади.

ЙЎРИҚНОМА ЛОЙИҲАСИ Т. Н. ҚОРИНИЕЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ БЎЛИМИ ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНДИ. ЎШБУ ЛОЙИҲА ЮЗАСИДАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР, ТАКЛИФ ВА ИСТАКЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГОҲГА ЙЎЛЛАШИНГИЗ СЎРАЛАДИ: 700068 — Тошкент, Олмазор кўчаси, 174-уй, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти. Бошланғич мактаб бўлими.

БИРИНЧИ ҒАЛАБА

Ўзининг 65 йиллигини нишонлаган Глиэр номли жумҳурият мусиқа мактаби маданиятимиз ривожига даҳлдор созандаю бастакорларни етиштиради. Шунинг учун ҳам унга қабул ўзига хос темир қонуннятларга эга.

Мусиқа мактабининг ҳақиқий ўқувчиси бўлганлар ҳам имтиҳону синовлардан ҳоли эмаслар. Ички танлову кўрик-конкурслар болаларни яхшироқ ўқишга даъват этиб туради. Қарийб ўн йилдирки, бу ерда кечаётган танловлар ўзига хос масъулият юкламоқда. Мухтор Ашрафий номли консерватория мураббийлари ҳакамлигида ўтказилган бу галги танлов ҳам жозиба ва салобат кашф этди. Бўлажак мусиқашунослар мумтоз адабиёт дурдоналаридан куй ижро этдилар ва замондош бастакорларнинг асарларидан намуналар намойиш қилдилар.

Жаҳонгир Азимхўжаев ҳам ғолиблар қаторидан ўрин олди. Билим юртининг 3-синф ўқувчиси бизга нотаниш бўлган мусиқа асбоби билан куй ижро этиб, олқиш олди.

СУРАТДА: Ж. АЗИМХЎЖАЕВ куй ижро этмоқда.

Бош муҳаррир А. Қ. ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г — 88. -буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19.00 Тиражи 160000

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12